

*Олимжон РАХИМОВ*

# **ДИАЙМДАГИ МИСРАЛАР**

«ANDIJON NASHRIYOT-MATVAA»  
очиқ акциядорлик жамияти  
2004

84(57)6-3

Тақризчилар:

АДУ адабиёт кафедраси мудири, филология фан-  
лари доктори, профессор **Х. СОЛИХОВА**.

АДУ адабиёт кафедраси доценти, филология фан-  
лари номзоди **А. АБДУЛАЗИЗОВ**.

**Рахимов Олимжон.**

**ДИЛИМДАГИ МИСРАЛАР.** Фазаллар, мухаммаслар, шеърлар.  
2004 йил. 132 бет.

Мазкур шеърий тўпламда муаллифнинг турли йилларда ёзилган вазаллари, мухаммас ва шеърлари ўрин олган. Содда, равон тил билан ёзилган бу лирик асарларда шоирнинг қалб кечинмалари, табиат гўзалликлари, севги, вафо, садоқат, дўстлик ва она юртга муҳаббат туйгулари тараннум этилган.

1031014  
291

Андижон вилояти

3. М. Бобурноми китобхонаси


84 (5 Узб)

Р - 27

© О. Рахимов, 2004.

© «ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA»

ОАЖ, 2004.



W

*Ушбу китобимни отам уста Раҳимжон мулла  
Холмат ўғлининг ёрқин хотирасига бағишилайман.*

**Муаллиф.**

**Қўл ушламиш келар қизлар  
гўё ажаб гул шодаси...**

(Фазаллар)

## УЛФАТИМСАН, ШЕЪРИЯТ

*Шоир аҳли дебона, кибри ҳаво на қилсин?*

Э. Ваҳидов.

Оллоҳ менга насиб этган бир неъматсан, шеърият.  
Дўстимсану ҳамроҳимсан ҳам меҳнатсан, шеърият.

Қалбимга йўл топдинг ўзинг бўлиб ширин мусика  
Ғуссалардан фориғ қилган ҳароратсан, шеърият.

Мисраларинг қатин очсам, фозиллардан ҳикмат бор,  
Ишқ аҳлининг кўз ёшидан ҳикоятсан, шеърият.

Шоирларнинг туйғусига, билки, мўъжаз ойнасан,  
Дард-аламсан, сабр, ғамсан, азиятсан, шеърият.

Кимки ошно бўлди сенга қалбидаг бўлмас губор —  
Унга ҳусну ҳам тароват, фазилатсан, шеърият.

Қадрдонлар сухбати гар сен билан этса давом,  
Меҳр нурин ҳадя этган ҳидоятсан, шеърият.

Узоқ сендан риё, ҳасад, кибру ҳаво ҳам ғараз,  
Меҳр қўйган инсон учун саодатсан, шеърият.

Тунлар бедор ўтирсан ҳам толиқмайман сен билан  
Бир умрга Раҳимийга сен улфатсан, шеърият.

## **ШУКР „ОЛЛОХ, ЯРАТГАНСАН“**

Шукр, Оллох, яратгансан, юрибман ихтиёрингда,  
Қадрдонлар билан яйраб насиб этган диёрингда.

Үзимни ҳеч демай ёлғиз камол топдим паноҳингда,  
Дилим равшан, кўзим равшан яшаб етмиш баҳорингда.

Сенинг ёдинг бутун жисмим ўзига, бил, асир этган —  
Муродим бир: ўзинг сақла ҳамиша эътиборингда.

Тилимдан тушмагай номинг, дилим сақлар қаломингни,  
Адо этмоқдаман фарзинг, бўлиб доим тадорингда

Тўкин дастурхсним узра давра курса ўғил-қизлар —  
Дуога қўл очарман шод, ўзинг қўйган шиорингда.

Тириклик ҳам ўтар бирдай ўзинг раззоқ, ўзинг қодир —  
Ўзинг менга ато этган савобли касби-корингда.

Яна қанча умр берсанг, шукр айттар Раҳимий кўп —  
Бутун жисми, бутун фикри ўзингнинг ихтиёрингда.

# КҮЗЛАРИНГ

*Муқимийга иқтибос*

Севганингни айтмадинг сен, қилди изҳор кўзларинг,  
Дилда борин сўзламасдан боқди бедор кўзларинг.

Не сабабки, билмадим мен, айтмадинг асло сиринг —  
Бари бир сен сезмадинг ҳеч, қилди ошкор кўзларинг.

Боғда танҳо кўрганимда лолага монанд бўлиб —  
Ногаҳон тик боққанингда тортди сзор кўзларинг.

Хатга солдим мақсадимни, айладим пинҳон баён —  
Аста олдинг, солмадинг кўз, бўлди хумор кўзларинг.

Ерга боқма, бўлмасин зор ул қарочиғ, жонгинам, —  
Лол қилса рози эрдим ушбу дилдор кўзларинг.

Сўзламоққа бўлди тайёр, учди бир-бир лабларинг —  
Аста жилсам, нари борсам, боқди начор кўзларинг.

Розидурман, майли, жоним, пайқадим пок ниятинг,  
Ниятингга бўлди йўлдош шу умидвор кўзларинг.

Ой тўлиб боққанда Зухро яйрагандек парпираб —  
Мен, Раҳимийга ажабмас боқса такрор кўзларинг.

# БОТМАСИН АСЛО ҚҮЁШ

*Мустақилликнинг 11 йиллигига*

Ҳар томон бўлди чароғон, ботмасин асло қуёш,  
Ғунчалар ҳам қулди хандон, ботмасин асло қуёш.

Парда тортди оқ ҳарирдан тундаги юлдузчалар —  
Юзларини очди осмон, ботмасин асло қуёш.

Қорли тоғлар тўқдилар ёш — уйқудан уйғондилар —  
Жилғадан сув оқди ҳар ён, ботмасин асло қуёш.

Барча гўша, барча юртга тенг сочаркан заррасин —  
Завқланаркан ҳамма инсон, ботмасин асло қуёш.

Белни маҳкам боғлади-ю тангридан омад типаб —  
Ерга меҳрин берди дехқон, ботмасин асло қуёш.

Пахтадан хирмон яратди ҳар чаноқдан битталаб,  
Кекса тоғлар бўлди ҳайрон, ботмасин асло қуёш.

Хонам ичра ётган эрдим ёзгани топмай илож —  
Менга ҳам у берди имкон, ботмасин асло қуёш.

Эй, Раҳимий, қил дуоки, беғубор бўлсин ҳаёт —  
Нурга тўлди Ўзбекистон, ботмасин асло қуёш.

## ГҮЗАЛМАН ДЕБ.....

Гүзалман деб гүзалликни ўзингта сен шиор этдинг,  
Бу манманлик балосидан қутилмасдин хумор этдинг.

Мұхаббатдан ниҳолт эксам, менга кибру ҳаво қилдинг,  
Кибр доғин ниҳолингга ювилмас бир губор этдинг.

Сени ой деб ижод этсам, эмасман ой, дединг—доғ бор  
Париму хаёл этсам, хаёлимни бекор этдинг.

Лабинг очсанг, қулоқ тутдым: шакар сүэлар учарму деб  
Дилимга игналар санчиб, ўзингни шармисор этдинг.

Магар Ҳадича-ю Фотималарнинг наслиданурсан—  
Улар одатини билмай ўзингга интизор этдинг.

Ўзинг ўйла: кичик жонсан, бошинг осмон фалакларда  
Харидоринг қаро қисмат балосига дучор этдинг.

Сени Оллоҳ яратганда ибо бирла ҳаё берган—  
Сабаб неки, кечиб ундан ўзингни пурвиқор этдинг.

Пушаймонлар тутар бир кун сароб йўлда ўсиб охир—  
Рахимийдек хато йўлни ўзингга ихтиёр этдинг

## ОЙИНАИ ЖАҲОНДА

Телевидение сұхандони  
Насиба Мақсұдовага.

Кўриндинг сен боқиб ширин Ойинаи жаҳонда,  
Ўлтирибсан парилардек тахти сулаймонда...

Қадди-қомат ҳам назокат сенга Оллоҳ неъмати,  
Каммикин деб ҳаёл қилдим сендан ўзга жонда

Жаранглайди шўх овозинг чертилгандек пиёла—  
Ҳавас ила меҳро қўзғар тинглагувчи инсонда.

Лабларингдан учаркан сўз табассумга бўлиб жўр—  
Дона холинг учиб ўйнар гоҳ у ёнда, бу ёнда.

Дунё сирин баён этсанг, ҳаёлларим бўлиб қуш—  
Юрту шаҳар қолмагай ҳеч — учиб юрап жаҳонда.

Ошиқларинг қалби титрар елда қолган барг мисол—  
«Уҳ» тортади, нетсин ахир, юрак тўла армон-да!

Кўздан ғойиб бўлгунингча узолмайдур кўзларин—  
Фараз айла: у ерда-ю сен юлдузсан осмонда.

Уйимда сен мәҳмонсану чой узатсам олмайсан—  
Дейсан, менга ҳамма интиқ озод Ўзбекистонда!

Майли, сўзла, сўзинг ширин, тинглар кекса Раҳимий—  
Кўзи сенда, йўқ, адашдим, Ойинаи жаҳонда.

## ЯХШИ ИНСОНЛАРАРО

Ўлтирипти дилоромим неча жононлараро,  
Очилипти лола гул гўёки райхонлараро...

Кўзларимга мен ишонмай ушладим дарҳол ёқо  
Ҳудди Зухро нур сочаркан кўқда — осмонлараро.

Очса лабин сўзламоққа ўзгалар жисми қулоқ  
Сайрагандек ҳудди булбул бу гулистонлараро.

Авжига чиқди ҳазиллар, тўлди гулзор қулгидан—  
Бир қуёшдан ўзга ким бор шоду хандонлараро.

Васлига мен зор эдим тушди қўзим, ё раб, нетай?  
У гулистонда турарди, мён-чи? Вайронлараро.

Ёшлигига ҳадя этган ваъдаси кўнглимдадур—  
Эсласам наштар мисоли ботди у жонлараро.

Куздаги япроқ мисоли титради жисмим яна—  
Ҳар томонга учди фикрим, қолди бўронлараро.

Эй Раҳимий, рашқ қилма, дилбарингнинг завқидан—  
Сенга ҳам баҳт берди Оллоҳ яхши инсонлараро.

## ЛАБИНГДАГИ ТАБАССУМ

Дилларимни хүшхол этди лабингдаги табассум,  
Тилларимни бөл этди лабингдаги табассум.

Билмадимки, ўзга дилбарларда йүкми бу сифат—  
Кимки боқса лол этди лабингдаги табассум.

Бирга ўқиб, бирга юрдик дорилфунун күйнида—  
Орзуларим ниҳол этди лабингдаги табассум.

Эсингдами суен бўйида ҳазилдан сув сачраса—  
Бу ишимни малол этди лабингдаги табассум

Ишонсин деб сўзларимга қалбим очиб ялиндим,  
Сен ишондинг, ҳаёл этди лабингдаги табассум.

Гоҳи-гоҳи тўймагандек боқанида кўзларинг—  
Неларни дур савол этди лабингдаги табассум.

Севгимизга сся солди қанча тұжмат, қанча ғам,  
Барчасини занол этди лабингдаги табассум.

Бахтим бор деб шукр қилдим яратганга беҳисоб,  
Бир умрга лол этди лабингдаги табассум.

Мен, Раҳимий, севадурман қанча бўлса шунча оз  
Менга баҳту иқбол этди лабингдаги табассум.

## ҚОВУН

Билмади тақдирини инсон үчүн қурбон қовун,  
Уста дәхқон мәхнатидин ҳосила—бийрон қовун.

Қилди йүргак тоза шудгор, бўлди ёстиқ уввати—  
Ювди юзин тонгги шабнам бўлди сўнг полвон қовун.

Олди эркин нафас яйраб роҳатижон пуштада—  
Банд бериб кутди бозорни йўл қараб ҳайрон қовун.

Яйрагай ҳар қайси меҳмон издиҳомда бўлса гар—  
Нози-неъмат бирла турса, тўла дастурхон қовун.

Карч қилмоқ ниятида бандига тортсам пичоқ—  
«Тарс» этиб чиқди овоз ким, берди осон жон қовун

Оби новвот ҳам амирий, ўшуруғ, шакарпалак—  
Лабга боссам тил ёриб, бўлмади нолон қовун.

Гар паловхондан кейин қилсанг танаввул соз бўлур  
Деди табиб иккиланмай жонга жон дармон қовун.

Ким агар экса уни жаннатга доҳил бесўроқ—  
Экмадинг сен, эй Раҳимий, сен учун армон қовун.

## МИСОЛ БҮЛДИ ЛОЛАЛАР

*Гуллар байрамига*

Баҳор келиб босғимизга ниҳол бўлди лолалар,  
Бўй кўрсатиб бирин-кетин жамол бўлди лолалар

Бир-бирига айтишиб роз ўйнадилар тонг сахар  
Чиқса қүёш тоғ ортидан ол бўлди лолалар

Сахар чоги очилмогин пойладилар булбуллар  
Овозининг сеҳри ёқиб хушҳол бўлди лолалар.

Товус янглиғ зеболаниб боғ сайрига чиқса ёр  
Аста боқиб тавозеда бәҳол бўлди лолалар.

— Ажаб гўзал бу ойжамол қайси юртдан келди, - деб  
Кайфиятин тарқ этишиб ҳилол бўлди лолалар.

Қўл учиди беօром қиз узди севиб нечасин  
Ёрга тутса олмади ёр, увол бўлди лолалар.

Эй, Раҳимий, гулларни сен севгилингдай тут азиз  
Ҳаётингнинг бир онига мисол бўлди лолалар.

## **ХАЁЛИМДА**

Азиз жоним, ёниб турган, бир чироқсан хаёлимда,  
Ташна бўлган дилимга сен пок булоқсан хаёлимда

Узиб гуллар ирғитганинг кўз олдимдан ўтар бир-бир  
Не сабабки, билолмайман, ўшандоқсан хаёлимда.

Ажаб шўх қиз эдинг, ёраб, бутун қизлар эгарди бош—  
Қошда ўсма, қўлда хино — кўғирчоқсан хаёлимда.

Менга гоҳо отардинг тош, лабинг қимтиб, кулиб бийрон  
Агар қувсам етолмасдим — хушчақчақсан хаёлимда

Ҳаётинг не бўлди, билмам, орадан ўтти кўп савдо—  
Оқаргандур қаро сочинг — бир сўроқсан хаёлимда

Кексалик ҳам улуғ неъмат, шукр айла яратганга—  
Куз шамоли ўйнаётган бир япроқсан хаёлимда

Майли, жоним, саломат бўл, рози сендан Раҳимий ҳам  
Нуронийсан, орастасан, оқ мунчоқсан хаёлимда.

## ҚИЛМАГИН МИННАТ СИРА

Үәлимга

Элу халқа хизмат айлаб қилмагин миннат сира,  
Хизматингни пеша айлаб кутмагин иззат сира.

Ишлагин умринг бўйи юртингга пок туйғу билан  
Ўчмасин қалбингда ёнган бетиним ғайрат сира.

Умидворлик ниятида боқмагин дўстингга ҳеч—  
Кетмасин қалбинг уйидан покиза ҳислат сира.

Камбағал бўлсангки ҳам сен қилмагин бошингни ҳам  
Дилларингдан кетмасин ҳеч яхшидан ибрат сира.

Гарчи noctor ҳолда қолсанг, ўзлигингни сақлагин—  
Дилда сақла шижаотни, босмасин ғафлат сира.

Дўст билан душманни айриш доимий бўлсин ишинг—  
Зарбаси пинҳон бўлурким, кутмагин фурсат сира.

Доимо бағрингни оч, дўстлар билан бўлгин иноқ—  
Четламай турсин мудомки, шундайин одат сира.

Сен Раҳимий ўғли бўлсанг, ҳам ҳалол, ораста юр—  
Кетмагай сендан, унутма, шу сабаб иззат сира!

## СЕН ЧИРОҚСАН ХОНАМИЗГА

Касалхонада ёзилган

Сен чироқсан хонамизга мен эса парвонаман,  
Бўлмаса гарчи чироқ қандайин қувонаман.

Шунча йиллар бирга бўлдик ўртада севги сабаб—  
Розидурман меҳнатингдан раҳмат айтиб қонаман.

Қариликдан қолмади, ёр, белда қувват, кўзда нур—  
Ҳастадурман — ётадурман, гўйиё оstonаман.

Майли, сен ҳоким бўл уйга, мен қулинг ё ходиминг—  
Бош эгиб қуллук қиласай, бил, бир очиқ пешонаман.

Хуш замонлар «шоҳ» эдим мен, сен эса «вазир» эдинг,  
«Шоҳ» бўлиб ўрнимдадурсан, ҳар куни қувонаман.

Ол қўлингга, сақла тартиб, кулмасин ағёрларим—  
Эл аро номим чиқарма, бўлмайин афсонаман.

Мен, Раҳимий, отадурман покиза қалбим билан  
Ҳам ўғип, ҳам қизларингга доимо парвонаман!

## ЁТГАНИНГДА

Лаҳад ичра ётурсан, ёзу қиши ўтганин билмай,  
Ўашл-қиз, ёру дўстинг бир келиб сендан хабар олмас.  
**Ҳазиний.**

Фойда бермас қабр тошлар лаҳад ичра ётганингда,  
Бўлса олтин, бўлса мармар лаҳад ичра ётганингда...

Билинмайдур қишу ёзу ва ҳаттоки, кечакундуз  
Ёки шоммур ёки саҳар лаҳад ичра ётганингда...

Тепангдан не ўсиб чиқди: тиканму ё шўра, янтоқ,  
Ўсанки ўт ҳид тарқатар лаҳад ичра ётганингда...

Ўғил-қизлар экса гуллар харидори келиб булбул—  
Фифону нола қилса гар лаҳад ичра ётганингда...

Йифилган мол билан мулкинг қаён кетди, билолмайсан—  
Кўзинг кўру қулоғинг кар лаҳад ичра ётганингда...

Яқин дўсту қариндошинг сенга ҳамроҳ бўлолмайдур—  
Тутингандан бўлмас хабар лаҳад ичра ётганингда.

Эй, Раҳимий, «Қуръон» сўзин ҳадя этса кимдур келиб —  
Рухинг ундан озиқланар лаҳад ичра ётганингда...

# БҮЛМАГАЙ ИСРОФ СИРА

«Гадоликнинг боиси — исроф»  
Шайх Саъдий

Бўлмагай исроф сира, бил, меҳнат билан топсанг агар,  
Ўзгаларга қилмай зарар ҳурмат билан топсанг агар.

Деҳқону ҳам боғбон бўлиб пешонангдан тўкилса тер—  
Қўлларинг ҳам бўлса қадоқ, тоқат билан топсанг агар.

Олим бўлиб фан илдизин игна билан очиб тунлар—  
Ёш авлодга бериб аста хизмат билан топсанг агар.

Тоғлар ошсанг, тикиб жонинг, ҳалол юриб савдо қилсанг,  
Хиёнатдан узоқ юриб журъат билан топсанг агар.

Ҳасад қилмай, бўхтон қилмай ошноларинг этиб эъзоз—  
Яратганга шукр қилиб, иззат билан топсанг агар.

Саҳий бўлсанг, эҳсон қилсанг ғарибларга қўлинг чўзиб,  
Миннатлардан узоқ бўлиб шафқат билан топсанг агар.

Ҳотам каби бўлурсан бой тарихларда қолар номинг—  
Элу ҳалқдан олиб дуо раҳмат билан топсанг агар.

Фойдани деб кирма ўтга Раҳимийдек қил қаноат—  
Оллоҳ берса етар сенга диққат билан топсанг агар.

## АЛИШМАСДИМ ВАФОНИ

Қайс мажнун бўлмас эди Лайлло бўлса ёнида,  
Тоҳир нобуд бўлмас эди Зуҳро бўлса ёнида.

Зинданларда кийнамасди Юсуфни ҳеч Зулайҳо—  
Аёлларга мунссиб бир ҳаё бўлса ёнида.

Ўзга юртда қолмас эди Фурқат билан шоҳ Машраб  
Дилларини ёритгувчи зиё бўлса ёнида.

Қабристонга кирмас эди бехуш бўлиб Отабек  
— Ўша сизми, бегим? — деган садо бўлса ёнида...

Тарих гувоҳ: қанча инсон азоб чекди севгидан  
Тортмас эди улар заҳмат вафо бўлса ёнида

Бир донишга савол бердим: оламда ким қаримас?  
Айтди: кўнгил ила танга асо бўлса ёнида.

Ўтди умрим, эй Раҳимий, қайтганида ёшлигим—  
Алишмасдим вафони ҳеч, дунё бўлса ёнида.

## ҚИЛИНГАНДА ТИЛОВАТ...

*Mұхтар ҳожининг тиловатини тинглаб...*

Эрир әкан тош юрак ҳам қилинганды тиловат,  
Түкиларкан қалбдаги ғам қилинганды тиловат.

Тингласанғар, күзинг юміб, во ажабо, во ажаб —  
Тебрангандек бұлар олам қилинганды тиловат

Күз олдингдан руҳи ўтар ўтганларнинг бирма-бир —  
Гүё дилинг топар малҳам қилинганды тиловат

Оҳангода қориларнинг неки сир бор, билмадим —  
Бутун жонзот бўлар ҳуррам қилинганды тиловат.

Баҳра олар эмиш ҳатто тоғлардаги гиёҳлар —  
Бошларини қилишиб ҳам қилинганды тиловат.

Ўтири, дўстим, ўқилганды, яратганинг каломи  
Ҳар сўзини қил мухтарам қилинганды тиловат

Эй, Раҳимий, «Қуръон» сўзи — Оллоҳ сўзи, шу боис —  
Мехринг бериб тингла доим қилинганды тиловат.

## ШЕРЮРАК ШУНҚОРИ БОР

Чавандоз қизга

Боғда кўрдим бўйларингни, соchlарингни бир бори бор,  
Ташладинг кўнглим уйига шунда сен озори зор

Мен юракка малҳам излаб чикқан эрдим боғаро —  
Кўзларимга гул кўринмай бўлди қалбим тори мор.

Сўзласам бермай жавобин қилмадинг парво менга —  
Лабларингнинг ғунчасига бўлдиму ҳумори хор.

Дедилар: ушбу чавандоз, қалбингиз ром айласа,  
Пойгода ғолиб чиқинг-да демагай, ҳардори бор.

Балки сиз қувмоқ учунми қилсангиз журъат агар —  
Бўш келиб турмас гўзал ҳам қуш каби тулпори бор...

Эй, Раҳими, қилма ёшлиқ, мингани от сенда йўқ —  
Севгидан лаб очма асло шерюрак шунқори бор.

## ТҮФРИ СҮЗНИ СҮЗЛАГАННИ...

Боқмадилар күп одамлар менга бир дебона деб,  
Тингламай құл силтадилар ёзгани афсона деб.

Билмадилар дардларимни бўлсада мўъжаз китоб —  
Қилмадилар эътибор ҳам бизга бу бегона деб.

Ёшлигим ҳам ўтди кемтик йўқчилик айвонида —  
Этмади ихлос бирор он отадан бир дона деб

Неча йиллар таҳсил олдим ўзга юртда зорланиб —  
Қилмадилар шод кўнглим хонаси фамхона деб,

Тушди бошга неча кулфат тортгани у берди дош —  
Кирмадилар ҳол сўраб бир бу таниш остона деб.

Тўғри юрсам, тўғри турсам, ниятим пок айласам —  
Кулдилар ҳам бурдилар лаб бўлди бу парвона деб.

Эй, Раҳимий, чекма афсус, барча инсон бир эмас —  
Тўғри сўзни сўзлаганни айтишар дебона деб.

## ОСИЛИБ ҲАЙРОН УЗУМ

Лаззатингни, агар-чи, ким, асал деса, жон узум,  
Ё шакарга қиёс этса, фикридур ёлғон узум.

Боболаринг беқиштдандур камтарин ҳам ҳокисор —  
Кимки ҳолин сүраб турса, очил дастурхон узум.

Онанг күм-күк, жон бағышлар сенга, билгил, ёз бүйи —  
Беланчакда парваришилар иссиқ саратон узум.

Ишкомларга оқ ҳусайни, келин бармоқ, ишшаки,  
Ҳамда кишиши ҳам даройи... осилиб ҳайрон узум.

Куз қүёши берар лаззат, рангларига қўшар ранг,  
Тополмайди уста рассом биронта нуқсон узум.

Боғ оролаб юрса дўстлар диллари шод, яйрагай —  
«Мен ҳам экай» деган ҳавас ундадур меҳмон узум.

Кимки қилса бир издиҳом иштирок эт, қийнама,  
Чунки бўлсанг, хона обод, яшнар дастурхон узум.

Узум эккан жаннатидур — деди Расулуллоҳ,  
Эй, Раҳимий, шод бўл сен, чун отанг боғбон узум.

## КУЙДИРАР АТТАНГ ЎТИ

Аёлларнинг сочи қабрда чиримас экан.  
Отам ҳикоясидан.

Қайсибур жаллод олди соchlарингнинг жонини,  
Ер билан яксон этибдур орзи-ю армонини.

Қоматинг бўлса сарвким чирманиш ўсган эди,  
Қайчи солдинг, у йўқотди гуллаган давронини.

Билмадим мен ушбу жаллод қайчидурми ёки сен?  
Қайчи бўлса у бажарган кўлларинг фармонини.

Гар бажарса қайчи ғаддор кўлларинг фармонини  
Тингламай кесдинг нега сен, соchlаринг исёнини.

Чулғаниб ётди оёқ остида йиглаб то саҳар —  
Тун қароси қилди нолон севгининг осмонини.

Деди йиглаб: доҳил эрдим мен беҳиштнинг боғига —  
Сақлар эрдим дўзахий бўлса унинг иймонини!

Ера кўмса, майли, кўмсин йўқ эмиш менга завол  
Бир куни аттанг ўти, бил, куйдирап дармонини!

# УЛУФ ЁШИНГ БИЛАН...

*Домла М. Сайдовнинг юбилейига атаб*

Айладим табрик сени, дўстим, улуф ёшинг билан,  
Бир умр бирга қадам босган йўлдошинг билан!

Сен ҳаёт сўқмсгидан келдинг бугун бўстонига —  
Йўлларинг равишан этиб доно асил бошинг билан!

Ҳеч киши билмас илм заҳматларин гар тортмаса,  
Тортганингда қаршилаб олдинг севинч ёшинг билан.

Тинмайин дарсхонада фаннинг сиру асрорини —  
Айладинг ошкор йигит-қизларга бардошинг билан!

Оила сардорисан: доно ўғил-қизларга бой —  
Тур Сулаймон тахтида энди умрдошинг билан!

Кел, укам, шодон тўйинг, сенга атаб ёздим ғазал —  
Куйлайин раққосани қилгин имо қошинг билан!

Бўлди хурсанд дўсти ёринг, сен эса турдинг кулиб —  
Яйради шоир Раҳимий ҳам ширин ошинг билан.

## ЯХШИ ҲАМДАМЛАР САБАБ...

Укаларим Маъмиржон ва Икромжонларга

Қанча умрим ўтди, найлай, ташвишу ғамлар сабаб,  
Тинмадим ҳеч қарисам ҳам турфа хил камлар сабаб.

Куздаги япроқ мисоли заъфарон бўлганда юз —  
Не сабаб? - деб сўрса айтдим кўздаги намлар сабаб.

Неча йиллар хонамиздек дил қорону бўлди, хўп —  
Тушмаганди ҳеч ёруғлик ёнмаган шамлар сабаб.

Бормадим дўстлар мени гар қилса таклиф базмига  
Яхши ният режасига умидвор дамлар сабаб.

Бутун умрим қурилган уй, билинг, меҳнат лойидан  
Топмадим лек қилча обрў эски маҳрамлар сабаб.

Бахт экан ёзган китобим элда бўлди қўлма-қўл  
Ўйнади лабларда кулгу яхши ҳамдамлар сабаб.

Шукр айла, эй Раҳимий, ёғи-ёруғ бўлди уйинг —  
Сенга нурин баҳш этган шу ёруғ шамлар сабаб.

# БУЗМАНГ ҚИЗЛАР ДАВРАСИНИ

Ярми ҳазил

Құл ушлашиб көлар қизлар гүё ажаб гул шодаси...  
Үңг томонда мен излаган қаро сочли Зиёдаси.

Хуркиб улар тарқамасин ўэни олинг бир томонга  
Атир ҳидин олиб келар, ё раб, улар шаббодаси.

Тұхтанг, дўстим, бир нафасга бузманг улар даврасини  
Билса борми уялтирап аччиғи тез Шаҳзодаси.

Кечә, қаранг, мұлзам қилди Ҳайдаржонни қовоқ солиб —  
Хұ, нариги кулиб турған пастак бүйли Озодаси

Давраларда күйласа гар санъатига лол қоласиз —  
Нозик ниҳол, бурама қош, оппоқ юзли Гулзодаси

Қишлоғимда чөварларга устоз бўлиб танилган қиз —  
Елкасига сумкә осган оқ камзулли Иродаси.

Майли, юринг, гап ташламанг, қизий берсин базми жамшид  
Ҳаммасининг бор хуштори, бўлмайлик биз оввораси.

## СЕН ТУФАЙЛИ

Ярми ҳазил

Билсанг, ёрим, менга ҳурмат сен туфайли,  
Халқым мени қилди иззат сен туфайли.

Қайси ишга қадам қўйсам ўзинг ҳамроҳ  
Шул сабабдан тошди ғайрат сен туфайли.

Самодаги қуёш бўлиб порладинг-у  
Мен ер бўлиб бердим неъмат, сен туфайли

Оиласмда барака бор, тутувлик бор,  
Ҳамда тинчлик, оби раҳмат сен туфайли

Жисмимаро нурин сочди нуронийлик  
Пайдо бўлган улуғ хислат сен туфайли

Ёзилажак китобларим ҳали қатор  
Қайнар ижод, бор жасорат сен туфайли.

Кам демагин Раҳимиини йигитлардан —  
Қоматларин букмас меҳнат сен туфайли.

## **ХУРМАТ АЙЛА**

*Кулла қишлоаидаги дүстим  
Комилжонга*

Боғ оралаб юрсанғиз, эслаб туринг боғбонини,  
Тер түкиб, меҳрин бериб эккан асил дәхқонини.

Қанча япроқ, қанча ғұнча бўлса үнга кўз нурин —  
Тўккани рост, ёз билан қиш сарф этиб ҳар онини.

Қўлда қайчи кўз соларкан ҳар ниҳолнинг шохига  
Чанқаса барглар агар излаб топар кетмонини.

Ҳориса кессак болиш бўлди, увватда олди дам —  
Келса уйқу ноилож тупроққа берди ёнини.

Қиласанғиз, майли, тановвул мевасидин сиз агар —  
Қийнаманг ҳеч шохини сиз ёш ниҳоллар жонини.

«Кўп қатори менга ҳам дер, - берди ҳосил, шодман!  
Қилмагай миннат сира ҳам айлаган эҳсонини»

Эй, Раҳимий, гарчи кирсанг, сен Комилжон боғига  
Хурмат айла тер тўккан кекса чол-боғбонини!

## ДУО ҚИЛГИН НАМОЗИНГДА

Икки олам сарварини дуо қилгин намозингда,  
Пайғамбарларнинг барини дуо қилгин намозингда!

Ота рози—худо рози! Буни билар барча мўмин —  
Шод айлагин падарингни! Дуо қилгин намозингда!

Она меҳри - ноёб меҳр, сенга оққан туну кун у —  
Тўккан кўзин гавҳарини - дуо қилгин намозингда!

Оллоҳ сенга ҳадя этган улуғ неъмат - фарзандинг бор,  
Боғон севар гулларини - дуо қилгин намозингда!

Бўлса агар устозларинг - улуғ зотдир сенга, билгин,  
Берган ҳамма хунарини - дуо қилгин намозингда!

Қабрларда неча одам дуоларга бўлиб муҳтож —  
Кутар ўзин сарварини - дуо қилгин намозингда.

Канда қилма ибодатни - яратганинг фарзиidor бу  
Қолдирмайин сен барини - дуо қилгин намозингда.

Эй, Раҳимий, дуо бирлан яшар олам, яшар инсон  
Икки олам сарварини дуо қилгин намозингда.

## БОҚҚА КИРСАНГ...

Боққа кирсанг, ғұнчаларни қулдириб шод айлагин,  
Ғұнчалиқдан бирга ўсган севгини ёд айлагин.

Чирмовуқлар панжасида қолса гуллар шохчаси  
Менинг ёрим, әхтимол деб, ундан озод айлагин.

Сояларда қолма асло лолазорлар ичра бўл.  
Сен кулиб ҳам мағурланиб ўзни шамшод айлагин.

Ҳам ясангин, ҳам безангин, майли, гуллар ёнида,  
Қўнса булбул бирга яйраб боғни обод айлагин.

Уйқудин уйғонса ўғлинг берма озор қалбига —  
Қолди Ёдгорим ўзингда - элга Фарҳод айлагин.

Ҳори зор қилма уни ҳеч қийланар рұхим менинг —  
Кулмасин ағёрларим деб ундан иснод айлагин.

Эй, Раҳимий, қисматингга қыл шукр Оллоҳга сен —  
Бундан ўзга йўл топилмас неча фарёд айлагин.

# СЕНГА ЁРДУР РҮШНОЛИК

Үәлимга

Түгри бўлсанг, азиз ўғлим, сенга ёрдур рўшнолик,  
Ҳалол бўлсанг, агарчи пок, интизордур рўшнолик.

Ойга қара, булутларни ёриб борар аста-секин,  
Шу сабабми қалбида барқарордур рўшнолик.

Қуёш эса тоғлар оша водийларга сочар нур —  
Ҳаёт отлиғ бир неъматга сабабкордур рўшнолик.

Фойибидан келар кимга, кимга фарзанд мөхридан,  
Кимга мөҳнатдан келаркан - иҳтиёрдур рўшнолик.

Ота-онам йиглаб ўтди узоқ яшаб дунёдан —  
Борми, деди фарзандимга, билинг, бордур рўшнолик.

Оллоҳ берган иноят деб ким кўраркан беҳисоб —  
Кимга келмас умри бўйи - бекарордур рўшнолик.

Рўшнолик - бу баҳт дедилар, ҳамда нурли истиқлол —  
Эй Раҳимий, шукр қилгин, сенга ёрдур рўшнолик.

## ХАЁТИНГНИ САРОБ ЭТДИНГ

Мунча мени, дилоромим, хуноб этдинг,  
Хижрон деган ўтга ёқиб азоб этдинг.

Райхон эксам сенга атаб, хидламадинг,  
Үсмаларим эзиб аста яҳоб этдинг.

Висолингга зорлигимни билар эдинг,  
Кўрганингда рўмолингни ниқоб этдинг.

Байрамларда учратганда кўз ташласам,  
Ой бўлдинг-у, булутаро шитоб этдинг.

Мен севдим-у, севмадинг сен сабаб неки,  
Айбим айт деб, ялинсан сен итоб этдинг.

Қачон сени эсласам шўх хаёлларим —  
Учар доим, Мажнун каби бетоб этдинг.

Билсам буғун пушаймонсан, кечиб мендан —  
Танҳоликда ўз ҳаётинг сароб этдинг.

Илож қанча, юракдаги ҳасратимни —  
Ғазал қилсан, Раҳимийдек китоб этдинг.

## БЕҒУБОР ОСМОНДАСАН

Эй қүёш, бўлгин мунааввар беғубор осмондасан,  
Эртадан то шомгача ўлкамда сен мәҳмондасан.

Нуқра - нуқра нурларингдан баҳраманд ҳатто ниҳол —  
Барчани бирдек кўриб ҳар жойдасан, ҳар ёндасан.

Боги рофу тоғу тошлар сенга маҳтал бўлди, бил -  
Чунки сен ер шари узра барчага эҳсондасан.

Гуллади олма, ўриклар, гунчалар кулди кўриб  
Нола қилди ташна булбул, ҳам ўша бўстондасан.

Пардасин очди келинлар кўрсатиб сенга сепин —  
Сен эса айтдинг кулиб: «Гулдан гўзал ошёндасан».

Сендин олдин турди дәхқон - пахтазор очди кучоқ  
Маҳлиёдур ҳосилига чунки сен хирмондасан.

Шундайин поксанки, сендан топар кўнгил ҳузур  
Дилласан, орзудасан ҳам томчи-ю уммондасан.

Кексайиб қолди Раҳимиј қил чароғон хонасин,  
Доимо маҳтал сенга гарчи сен осмондасан.

## СЕВГИНИНГ БОЗОРИГА...

«Хусн түйда керак, муҳаббат кунда...»

Мақол

Не сабаб кирдинг, азизим, севгининг бозорига?  
Боқмагай асло гўзаллар сен каби хардорига.

Бу бозор эски бозордур растаси йўқ, моли йўқ —  
Очмагай қўнглин сотувчи эски тўн—ночорига.

Бу бозорда ўлчамаслар одамийлик ҳислатин —  
Балки ром этса гўзаллик, шу етар икрорига,

Эҳтиёт бўл, севги ўйнар лаб билан кўз пинжида —  
Кўлга тушма сиддаликда учрашиб маккорига!

Махлиё бўлма сира ким нози истигнога сен —  
Нур таратса тилла балдоқ ёқса деб хушторига

Ким киролмай бу бозорга қалбida армон билан —  
Ташна-ю ҳуммом юрармиш ёрининг дийдорига.

Дедилар кўп кексалар ҳам бу чирой тўйда керак  
Эътибор эт, диққат айла, меҳрининг йўқ-борига

Эй, Раҳимий, ўпка қилма бу бозор савдосидан —  
Ҳеч вафо қилган эмас покиза қалб хардорига!

# ҚАЙЧИ СОЛДИ БЕРАХИМ

*Бобур евзалига тазмин*

«Сочининг савдоси тушти бошима бошдин яна,»  
Тоза қалбимдур ҳижилким ул паривашдин яна.

Не сабаб, деб сўрса дўйстлар айтгани йўқ менда тил,  
Белларида ўйнаган соч кечди йўлдошдин яна.

Не гуноҳи бор эдики, қайчи солди беражим,  
Қолди сочсиз сарв қомат ўн саккиз ёшдин яна.

Қайчидин қилмай шикоят ётди ерда чулғаниб,  
Норизо бўлманг, - деди у кекса фаррошдин яна.

Қирқмас эрдим - деди йиғлаб шум рақиблар қўймади,  
Бўлмади менга насиҳат яхши сирдошдин яна.

Деди соч ҳам: - «Кўмса кўмсин, майли, ернинг қаърига  
Узмагайман ҳеч умидим шу қалам қошдин яна!».

Эй, Раҳимиј, кексадурсан, қил сўзингни муҳтасар —  
Эшитурсан таъналарни ул паривашдин яна.

## МУДДАО ШУ ЕРДАДУР

*Зебунисо газалига иқтибос*

Қилмагин ҳар ерни орзу муддао шу ердадур.  
Дилни хуш, күңгилни шод этган сабо шу ердадур.

Осмон ҳам беғубордур нур сочар кетмай қүёш —  
Түнни ҳам күндек ёритган, бил, зиё, шу ердадур.

Сақла ишқинг, сочма сувдек хуш гүзаллар пойига —  
Үзи ширин, лабзи ширин дилрабо шу ердадур.

Келса наврўз иштирок эт тоза қызлар базмида —  
Лабда кулгу, дилда шодлик шўх садо шу ердадур.

Изласанг гар баҳт бундан топилур меҳнат билан —  
Халқ учун ҳам юрт учун доим фидо шу ердадур.

Ҳаста бўлсанг, излама сен дори-дармон йўл юриб  
Тонг саҳарда боғ аролаб юр даво шу ердадур

Эътиroz этма мени кўп сўзларим келса малол —  
Хурматингни асраган чин ошно шу ердадур

Эй, Раҳимий, кетди ёшлиқ, қилма афсус, ноўрин —  
Меҳнатингга, хизматингга ҳам ризо шу ердадур.

## МЕНИ, ЎЛГАННИ, ЎЛДИРМА

Ағёр ила сен дўстлашиб мени, ўлганни, ўлдирма,  
Қалбинг очиб суҳбатлашиб мени, ўлганни, ўлдирма!

Орзу эди ширин турмуш сароб бўлди, бўлди армон —  
Орзулардан ҳасратлашиб мени, ўлганни, ўлдирма!

Отам рози, дединг, кўндим: умидларим қолди йўлда —  
Умидларга сен қасдлашиб мени, ўлганни, ўлдирма!

Ишон, дилбар, меҳрим кўпу рўзгорим тийра эрди —  
Юролмадинг сен мослашиб мени, ўлганни, ўлдирма,

Кечир, жоним, хато қилсанг, қиёмат кун ўзим рози —  
Майли, яша юздан ошиб мени, ўлганни, ўлдирма.

Бугун меҳнат қучогида бўлди ҳамроҳ ўзга бир қиз —  
Бормоқдаман суҳбатлашиб мени, ўлганни, ўлдирма.

Чунки Оллоҳ ато қилди сабр, тоқат ҳам шижоат —  
Раҳимийга сен қасдлашиб мени, ўлганни, ўлдирма.

## СОЧИНГНИ ҚИЛИБ ЧАМБАР

Сочингни қилиб чамбар, күнглимни ҳаволатдинг,  
Ишқингни қуёш айлаб қалбимга аролатдинг.

Күчангдан ўтиб бордим дилимни ёрай деб, ров —  
Кўрдинг-у жада́ллаб, тез дарвозанг қиёлатдинг.

Майли, деб шукр қилдим, юракка бериб далда —  
Кўзимни бир нафасга, билгилки, зиёлатдинг.

Лабдаги табассумдан муруватт қидиргандим,  
Қошингнинг қорасидек иқболим қаролатдинг.

Нега сен ҳазон этдинг дилдаги меҳр гулин —  
Фунчасин ўзинг, жоним, чанг билан ҳиролатдинг.

Бил, сароб ҳавасларга ўзлигинг асир айлаб —  
Энди-чи, пушаймонсан: тақдиринг сувга отдинг.

Лайли-ю Ширинлардан севигида сабоқ олмай  
Ёш туриб Раҳимийдек ишқингни сиёлатдинг.

# МЕН БИРОВНИНГ ЁРИМАН

Ҳазилнома

Энди қилма ҳеч табассум, мен бирорвнинг ёриман,  
Кўзларингни этма маъсум, мен бирорвнинг ёриман.

Телба бўлдим кўчаларда қилганингда хору зор —  
Қилмишинг ҳам элга маълум, мен бирорвнинг ёриман.

Кўп ялиндим: Энг муқаддас севгимизни билмадинг —  
Дединг охир: «Сени неткум? Мен бирорвнинг ёриман»...

Тегди менга йўқчиликнинг неъматидин доғларо —  
Шул сабаб сен этдинг зуғум, мен бирорвнинг ёриман —

Ўртаниб ёнди вужудим сўзларингнинг заҳридан —  
Кўзларимдан қочди уйқум, мен бирорвнинг ёриман.

Нола чекдим кечаларда ором олмай то саҳар —  
Қабул этди Оллоҳ оҳим, мен бирорвнинг ёриман.

Пушаймонсан сароб йўлга кирганингдан, энди шод —  
Ўргатувчи ўша бир шум!... Мен бирорвнинг ёриман.

Майли, энди юр саломат, Раҳимийдан рози бўл —  
Кўзларингни этма маъсум, мен бирорвнинг ёриман.

# БОШИНГ ЁСТИҚҚА ТЕККАНДА...

Касалхонада ёзилди

Бутун олам бўларкан тор бошинг ёстиққа текканда,  
Ширин сўзга бўлиб ҳумор, бошинг ёстиққа текканда...

Кўзинг гирён, дилинг гирён дўсти ёру қадрдонга —  
Йўлига кўз тутиб бедор, бошинг ёстиққа текканда.

Билки, дунёдаги неъмат сенга маҳтал бўлиб турса,  
Бўлур кўзингга уғубор, бошинг ёстиққа текканда.

Фақат Оллоҳ келар тилга - тазаррулар қилиб нолон —  
Ўғил-қизлар агар-чи бор, бошинг ёстиққа текканда.

Ураг қонинг, ётолмайсан, лабинг қақраб бўлурсан лол —  
Вафодоринг боқаркан зор, бошинг ёстиққа текканда.

Ўтар бир-бир гуноҳинг ҳам, савобинг ҳам кўзингдан, бил,  
Адосига белинг noctor, бошинг ёстиққа текканда.

Раҳимий, сен қилиб тавба, шукр айла Яратганга —  
Илтижо қил такрор-такрор, бошинг ёстиққа текканда.

## **ХАЁЛЛАРИМ**

Осмонларга чиқолмайман, чиқар аммо хаёлларим,  
Боғлар узра учолмайман, учар ағло хаёлларим.

Денгизларда сузолмайман, белда қувват, мадорим йўк  
Тиник сувлар юзин силар бўлиб сабо хаёлларим.

Мўъжазгина хонам ёруғ, қофоз узра ўйнар қалам,  
Қалбимдаги дардларимга бўлар ошно хаёлларим.

Дилдоримнинг ой жамоли кўз олдимдан ўтса бир-бир,  
Кўзларимнинг ёшларига малҳам гўё хаёлларим.

Мухаббатим мисраларга шудринг каби қўнмаса гар —  
Ўйнаб келиб раққосадек дер: «Марҳабо! Хаёлларим!»

Гоҳо нозик, кичик юрак сиғмай қолар бу жисмимга —  
Олиб чиқар шунда уни боғлароро ҳаёлларим.

Кексалигим, азиз оним, ўтсин дейман сизлар билан  
Эрта-ю кеч бирга бўлинг, бўлманг адо хаёлларим.

Эй, Раҳимий, ёшлар сени аташса гар хаёлпараст —  
Дегин қўрқмай: «Ижодимга жони фидо хаёлларим!»

## ЭНДИ, ОЛЛОХ, РОЗ АЙТАЙИН

Холи бўлиб яшай энди ғусса-ю аламлардан,  
Асабларим хор айлаган пинҳона ситамлардан.

Билинг: қалбим денгиз эди тўлди таъна тошига —  
Сезмади ҳеч дўсту ёрим кўзимдаги намлардан.

Оғир меҳнат юки эгди шамшир янглиғ қоматим —  
Қарисам ҳам қутилмадим рўзгордаги камлардан.

Ўғил-қизнинг ғавғосидан зада бўлди юраклар —  
Қутилмоққа имкон қани даста-даста ғамлардан.

Айвонимда атир гуллар юзин очди қуёшга —  
Озод бўлиб уйимдаги «қошлари қаламлар»дан.

Огоҳ бўлинг, менинг наслим покиза қалб наслидан —  
Шукр дейди. ҳижолатмас, бошга тушган ғамлардан.

Энди, Оллоҳ, роз айтайн сенга йиглаб, ёлбориб —  
Раҳимиини камсигма ўзинг лутфу карамлардан.

## СИЗДА ВАФО БҮЛСА...

Огаҳий газалига иқтисибос

Мен дедим: сұхбат қурайлик бир нафас бекорман,  
Деди: сұхбат бўлса ширин, жон ила мен тайёрман.

Дедим: ишқ аҳлида сұхбат бўлмагай ҳеч ноўрин —  
Деди: ишқдин очсангиз сўз, билсангиз сиз безорман.

Дедим: майли, ғаниматдур бу кўзларга бу кўзлар —  
Деди: кўздин умид этманг, дейди киприк: хушёрган.

Дедим: севдим, севилмадим, ҳасратим кўп, очай дил,  
Деди: очманг менга сирни сиздан ортиқ начорман.

Дедим: кўзларда шодлигу, гунча лабларда кулгу?  
Деди: ғамлар пинҳон тураг, ўзим аслида ҳорман.

Дедим кулиб: висол кўпу покдомони камёбдур?  
Деди: Сизда вафо бўлса, дейди ҳамма, дилдорман.

Дедим: терган гулларим соз—Раҳимийдан эсадалик  
Деди: гулдан совға бўлса, олмоққа мен тайёрман.

## ИБОСИДУР

Кўзларимни ташна этган қошларининг ёсикур,  
Дилларимни қувонтирган севгининг зиёсидур.

Сўзласам сўз қотмади ҳеч, қилди нозик бир қилиқ,  
Бўлмадим асло пушаймон ишқининг ҳаёсикур.

Гул узатсам гулни олмай бўлди юзи лоларанг —  
Сезди кўнглим бу қизиллик орият ибосидур.

Не қилай, жоним? - десам у ўйланиб бўлди ҳижил  
Ўйладим, ушбу ҳижиллик душманим иғосидур.

Сўзларим қолди жавобсиз чизди ерни, боқмади,  
Ўйнади бир дона гулни, гул унинг ошносикур.

Бузмадим жимликни сўзлаб, лолалар бўлди гувоҳ  
Билса дўстлар, на иложки, бу ҳаёт савдосидур.

Майли, деб тушсам йўлимга кўз узолмай бўлди лол —  
Лол бўлишлик, эй Раҳимиј, розилик ризосидур.

## ҮФЛИМГА

Бўлмагин гийбатга дўст, этмасин беюз сени,  
Чўпни хор этсанг агар, у қилас ожиз сени.

Тўғри юр ҳам тўғри бўл, эларо, дўстлараро —  
Шунда ҳурмат сақланур, ташламас номус сени.

Ноўрин қилма қилиқ, етти пуштинг лол этар —  
Дер фалондин бу фалондур, оқламас ҳаргиз сени.

Не сабаб шундай экан? Яхшилар, одат деди,  
Яхши хулқда ўзни сақла, кўрмайин маъюс сени.

Ўзгага қилма жафо, билмайин туҳмат қилиб —  
Тутмасинлар ногиҳон очди деб оғиз сени.

Сен Ватанга бўл ўғил, мен юракдан розиман —  
Хурмат айлар шунда юрт яхшидан деб из сени.

Эй, Раҳимий, баҳтлисан, бўлса гар шундай ўғил —  
Ҳар қадамда ёд этар яхшилар сўзсиз сени.

## **ЗУЛАЙХОЛАР БИР ТАЛАЙ**

Боққа кирсам, боғда ўйнар Зулайхолар бир талай,  
Бир-биридин қолишишмасдин Марҳаболар бир талай.

Либослари ёнар лов-лов, икки юзи дур олов -  
Хайрон қолар кўрса бирор - Сурайёлар бир талай.

Шодлигидин чақнап кўзи, жаранглайди ҳар сўзи  
Ҳаммалари юртим қизи - Осиёлар бир талай.

Қанот қоқар рэққосаси, жисмим қилай фидоси  
Ҳатто бўлайин гадоси - Дилраболар бир талай.

Қарсак чалған қўллар хино, чиқармоқда шўх садо  
Сочин ўйнар майин сабо - Диларолар бир талай.

Билсам, бугун Наврўз экан, шул сабаб дил соз экан,  
Ҳаммалари серноз экан - қоши ёйлар бир талай.

Эй, Раҳимий, кетма нари, булар қишлоқ қизлари.  
Юртим фахри ҳам гавҳари - тўтиёлар бир талай.

## АЗИЗИМ

Янги ойдек қошларингни кўролмадим, азизим,  
Атрофингда соя бўлиб туролмадим, азизим.

Юлдузлардан учиб келган еллар бўлиб тунлари  
Сочларингни силаб-силаб юролмадим, азизим.

Мажнунтолнинг соясида мажнун бўлиб саҳарлар —  
Ширин сўзлаб, ажаб суҳбат қуролмадим, азизим.

Отам рози, онам рози, дединг рози бўлишиди,  
Хаёлингни ўзим томон буролмадим, азизим.

Ўзга юртда қолиб кетдим бўлолмадим ёнингда,  
Ё қалбингга хаёл бўлиб киролмадим, азизим.

Мени йўқ деб ағёрларим сенга ҳамла қилсалар,  
Э, воҳ, нетай, ҳолинг на деб сўролмадим, азизим.

Кечир, энди, бевафоман, бе Раҳим ёр ўзимман —  
Сенинг билан бирга даврон суролмадим, азизим.

## ҮЙҚУЛАРИМ

Тушларимга киарму деб зор бўлар уйқуларим,  
«Зора бир кирсин» дея хумор бўлар уйқуларим.

Ўйланиб ётсам сени гар кўзларим юлдуз этиб —  
Тарқалар ширин хаёл, бедор бўлар уйқуларим.

Сен билан ўтган кунимни айласа изҳор тилим —  
Шам бўлиб ёнгай юрак, иқрор бўлар уйқуларим.

Жисми жоним шул сабаб, ором ололмас кечалар —  
Тонг саҳар чиқса қуёш, noctur бўлар уйқуларим.

Гарчи кирсанг тушларимга, уйғотиб қўйса биров,  
Мен эмас дарҳол туриб ағёр бўлар уйқуларим.

Күш бўлиб учдинг кеча улгурмадим тутмоққа мен —  
Найлайнин, энди қачон такрор бўлар уйқуларим.

Эй, Раҳимий, ишқ бозори туш каби ўткинчи ҳол —  
Бу бозорда демагин: «Бедор бўлар уйқуларим»...

## **ҲАСАД**

**Ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшамоқ керак.  
И. А. Каримов.**

Ҳар балонинг бошидурсан, ҳам балодурсан ҳасад,  
Кўрганингда яхшилик мотамсарадурсан ҳасад.

Қандайин бир дардсанки, йўқ давою, йўқ табиб —  
Кимга келсанг, ноилож, баҳтиқародурсан ҳасад.

Бир иморат ёнса ўтда, тўпланур ҳалқ беҳисоб —  
Ёнасан пинҳона сен, қийнаб адодурсан ҳасад.

Кимки сенга бўлди ошно эзилиб бўлгай адо —  
Ҳасратингдан сўз очолмас бедаводурсан ҳасад.

Ҳасталик недин, дедим, деди табиб: қонида бор —  
Ким ғаразли бўлса унга сен риёдурсан ҳасад.

Билмагайсан дўстни ҳам, ошнони ҳам, авлодни ҳам —  
Шундайин бир беражимсан, беибодурсан ҳасад.

Ким сенинг изминигга кирса ажралур ҳалқдан, тамом —  
Чунки сен жон - қонига ҳам ошинодурсан ҳасад.

Эй, Раҳимиј, ким ҳасадгўй бўлса ундан бўл йироқ —  
Норизо бўлса дегинки, бир балодурсан ҳасад.

## **БҮЛДИМ ОШНО АСОЛАРГА**

Нетай, жисмим, азиз дүстлар, бўлди ошно асоларга,  
Беролмас тоб саҳарларда майин эсган саболарга.

Шукрларки Яратганга соқолим оқ-қиров гўё,  
Яқин бўлдим йигитлиқда ҳавас қилган боболарга.

Хисоб билмас кўзим чандон набирам кўп саноfiga —  
Тўлиб кетган кичик ҳовлим кўзу қоши қароларга.

Билингки, сиз кексаларни севар баъзи касалликлар  
Шу боисдан кўнгил чопмас ажаб нашъу намоларга.

Тутарман мен ёқам гоҳо яратганнинг қарорига,  
Нечун инсон сиқилганда чиқолмайдур самоларга.

Нега чиқдинг бўлиб юлдуз самога сен Зухро десам —  
Деди: ҳусним бузилмасин ўхшаб баъзи момоларга.

Тиларман покиза давлат, ширин турмуш яратгандан —  
Яна боқий умр берсин менга жони фидоларга.

Қани, гоҳо келиб турса, сўзи ширин қадрдонлар —  
Куриб суҳбат Раҳимийдек қўлим очсан дуоларга.

## БЕСАМАР

Бил, гуноқкор бандадурсан кетса бир он бесамар,  
Тоза виждон бирла юргин урмасин қон бесамар.

Сен разм сол төгү тошга, катта сахро саңнига —  
Этди инъом элга бойлик - ётмади кон бесамар.

Тангри берган бу ҳаётни эҳтиётла, қил азиз —  
Умринг охир бўлганида бўлма ҳайрон бесамар.

Бесамарлик дарди оғир излагин бир касби кор —  
Кекса тоғлар нола айлар чиқса вулқон бесамар.

Бўй чўзарлар ёш ниҳоллар ҳазрати инсон учун —  
Ўсмадим, дер тарқатиб ҳид садда райҳон бесамар.

Ё дуторнинг торига боқ, чертса бармоқ йиглагай —  
Дилни эзган ноласидин қолмагай жон бесамар.

Ёки дарё сувларин ҳам қил томоша бир нафас —  
Қувламаслар бир-бирин ҳеч чопса ҳар ён бесамар.

Эй, Раҳимиј, қаридинг сен, эсадалик деб боғ ярат  
Ҳам ижод қил, ҳам ибодат, ётма бир он бесамар.

## ЖҮР БҮЛ ДУТОРИНГ ТОРИГА

Эй, ғазал, жүр бүл бугун күхна дуторинг торига,  
Оч дилингни күй била чолғучининг дилдорига.

Савғо этса рози бүл сен дилрабо күй мавжини —  
Сүнгра розин тезда етказ севгили хушторига.

Мен сени ёзмок учун бир неча кун бўлдим ҳалак —  
Иzlаниб кирдим яна пок севгининг бозорига.

Топмадим дилдор висолига муносиб битта сўз  
Розиман минг тилла деб турса бозор атторига.

Сен учун шу тор ясалди икки симни жўр қилиб —  
Чертса бармоқ йиғлагай у ким чидар оҳзорига.

Тингласам орсм олурман, тўкилар дарду алам —  
Ҳам шифо бергай аниқким мендайин беморига.

Чертилиб турсин дуторлар, рақсида раққосалар —  
Ўйнасин бармоқ юриб шўх бир ғазал изҳорига.

- Эй, Раҳимий, бу ғазални нега бунёд айладинг?  
- Чунки у ҳам мен каби, бил, зор эмиш дилдорига!

## СЕНИ ЎЙЛАБ

Сени ўйлаб қалам олсам дафтаримни қаро айлар,  
Кўриб ҳолим, тўкиб ёшин кичик жонин фидо айлар.

Қаро бўлса ҳамки дафтар гуноҳсиздур қалам асли —  
Изтиробим чизиб бир-бир қилур дўстлик, вафо айлар.

Юаркан у қоғоз узра ҳарфларни қўшиб чандон —  
Дилимдан оққан оҳимни туганниси бир сиё айлар.

Мухаббатни қилиб вайрон, сароб йўлга кирди дилбар,  
Ўшал афсус, надоматга ғазаллардан бино айлар.

Висолинг иштиёқида юзим сўлғин, дилим афгор,  
Ҳазон япроғидек чеҳрамдаги дардга даво айлар.

Эшитса ким дутор торин байтларга ҳамоҳангдур —  
Парда бўйлаб юрса бармоқ юрак йиглаб нидо айлар.

Эй, Раҳимий, қалам бирла сирларингни баён этдинг —  
Дилороминг билса башарт уялгандек ҳаё айлар.

## ХАСТА ДИЛ БҮЛСАНГ АГАР...

Хаста дил бүлсанг агар ёқмас сира нашъу намо,  
Кунларинг ҳам ўтар сокин худдики мотамсаро.

Сиғмас аспо қыл юракка, ўтмагайдур ҳеч таом,  
Гул ҳидидан баҳра олмассан учирса гар сабо.

Боқмагайсан ўзгаларга лабга құнмас күлгилар,  
Қылса тақлиф ўлтиурсан ноилож дүстлараро.

Үй суриб, ўйга ботиб оғир кечар күн ва туниңг —  
Минг савол берса бирор марта ҳам чиқмас садо.

Бир қоронғұ хона излар ўзига мүйжаз юрак,  
Беркиниб йиғлар яна дардим менинг деб бедаво.

Кимга қилсанг бир вафоки, тортадурсан минг алам,  
Бу аламларга чидолмай дейсанг албат: эй худо!

Танда бүлса ғиর жароҳат тез битар келса табиб,  
Дилда бүлса йўқ давоси битмагай у мутлақо.

Эй, Раҳимий, қарилликка қул бўлиб қолдинг бу күн,  
Ҳар намозда тинч-омонликни сўра, қил илтижо!

## ЎЗЛИГИНГ ХОР ЭТМАДИНГ

Не сабаб севсам сени сен севмадинг, ёр этмадинг,  
Бир нафас тинглаб дилим ниятларим бор этмадинг.

Термулиб турсам йўлингда қилмадинг парво сира,  
Сўзламай бир дона сўз айбимни изҳор этмадинг.

Пок эди орзуларим, лек айтдилар ночорлигим —  
Пайқадинг, ағёrlарим ўзингга ағёр этмадинг.

Айладинг муҳтоj мени охир ғариб, бечора деб —  
Бир ширин сўзинг билан дардимни тор-мор этмадинг.

Базм қурса душманим сен ўйнадинг ёшлик қилиб —  
Сўнг шаробнинг косасидин тутса инкор этмадинг.

Кўп экан дунёда, билсам, мендайин дилҳасталар —  
Ҳасталикнинг боисин билдингу иқрор этмадинг.

Эй, Раҳимий, билмади ҳеч дилрабо қалбинг сирин —  
Шул сабабким, тўғри англаб ўзлигинг хор этмадинг.

# ИШҚИНГДА САРСОН БҮЛМАДИМ

*Рүзгөр құрганимизга 42 ыйл бўлди.*

Билки, мен Мажнун каби ишқингда сарсон бўлмадим,  
Дини иймондин кечиб ё Шайхи Саънов бўлмадим.

Айпадим мен рози дил баҳтим учун шукроналар,  
Тоҳиру Фарҳод бўлиб саргаштай жон бўлмадим.

Бу ёруғ дунёда ёлгиз қолмагай асло бирор,  
Менга ҳамроҳ бўлганингта, билки, нолон бўлмадим.

Ношуқр бўлсанг агарда қийналур қалбинг ёмон,  
Сен билан шодон яшаб мен ҳастай жон бўлмадим.

Излаган эрмас эдим қоши қалам, хурулиқони,  
Тақдиримдан ўргилай шайтонга қурбон бўлмадим.

Сен дединг келган кунинг: «Мехнат билан ўсдим ўзим,  
Ўзга ҳур қизлар каби осмонда чўлпон бўлмадим.

Чиқмадим боғ сайрига товус мисол юз товланиб,  
Шоири хонандалар оғзида достон бўлмадим.

Сиздайин ҳамроҳ билан ўтмоқдадур ҳар бир куним,  
Шодлигим сиғмас юракка, дили ҳуфтон бўлмадим».

Мен, Раҳимий севинурман ўтди деб умрим гўзал,  
Бесамарлик даштида, кўрдингки, ҳайрон бўлмадим.

# **МЕНИ МУХТОЖ ЭТМА, ОЛЛОХ!..**

*Нимани астойдил сўрасанг Оллоҳ беради.*

Мени муҳтож этма, Оллоҳ, дўсту қадрдонимга ҳам,  
Мехрибоним-фарзандларим ой юзли чўлпонимга ҳам.

Берма ортиқ ҳасталикни бўлмайин зор табибларга  
Шодланмасин душманларим, ёндошмасин ёнимга ҳам.

Берма нопок ризқни менга малҳам бўлмас жисмимаро —  
Булғар тоза ҳалқумимни кўшилмасдан қонимга ҳам.

Жисми инсон, фикри шайтон дўстларимни йироқлаштири —  
Келса агар мәҳмон бўлиб шерик қилма нонимга ҳам.

Ёр бўлолмас, кечир мени, насиб этган дилороминг —  
Вафо таркин билмас эса, куймас эса жонимга ҳам.

Келса агар узоқлардан излаб мени дўсти-ёрим,  
Очмас эса рози дилин ўшал ширин онимга ҳам.

Инсоф, диёнат бўлмаса гарчи ўғил-қиз қалбида  
У симмагай, дер Раҳимий, покиза осмонимга ҳам.

Мени муҳтож этма, Оллоҳ, дўсту қадрдонимга ҳам,  
Мехрибоним - фарзандларим, ой юзли чўлпонимга ҳам.

## НОЧОРЛИГИМДАН КУЛМАНГИЗ

Дўстларим, ҳолим кўриб noctorligimdan kулмангиз,  
Заъфарон бўлса юзим bemorligimdan kулмангиз.

Нола айлаб тонг саҳарлар йиғласам гар тангрига  
Уйкудин безор бўлиб, bedorligimdan kулмангиз.

Изладим умрим бўйи бир соябон бошимга мен  
Бўлмади асло насиб afgorligimdan kулмангиз.

Ўзни урдим ҳар тарафга моли мулк йиғмоқ учун —  
Куймадим жоним учун, жабборлигимдан kулмангиз.

Ҳам учиб ҳам сувда суздим тўймадим бойликка ҳеч  
Тўймаган нафсим учун айёрглигимдан kулмангиз.

Қарисам ҳам роҳатим йўқ, бўлмайин деб хору зор —  
Белда оғриқлар билан сайёрлигимдан kулмангиз.

Қилмадим тоат-ибодат, юрмадим масжид сари,  
Ҳам насиҳат қилса ким ағёрглигимдан kулмангиз.

Ўтказурман бор гуноҳим энди тасбеҳ тошида,  
Мен гуноҳкор бандаман. Иқрорлигимдан kулмангиз.

Йўлларим, сездим бугун, ўтган экан шайтон билан  
Бу сароб йўл устида xуморлигимдан kулмангиз.

Мен, Раҳимийга бугун тегди қаноатдан асо,  
Бирга юрсам сиз билан noctorligimdan kулмангиз.

## ҚАЙТСА ЁШЛИК

Қайтса ёшлик, бўлиб дарё, оқардим мен узоқларга,  
Водийларни кезар эдим ўзни уриб қирғоқларга.

Учқун бўлиб ёндирадим йўлимда гарчи ғов бўлса,  
Ёритардим зулматларни парво қилмай чироқларга.

Бургут бўлиб учар эдим баланд тоғлар тўшин ўпиди —  
Арчаларга қўнар эдим илинмасдан бутоқларга.

Нетай, жисмим бугун, афсус, бўлди таслим кексаликка,  
Аммо ҳаёл учиб ўйнар, қочиб мендан, ҳар ёқларга.

Йигитлиқда ҳавас қилган боболардек нуронийман,  
- Ўлтиришинг не сабаб? - деб тутманг асло сўроқларга.

Мұхайёдур нози неъмат, хизматимда ўғил-қизлар.  
Афсус қилиб яшаркансан белинг ўхшаб ўроқларга.

Меҳнатимдан кўкарған боғ бошим узра соябондур  
Баҳо беринг қараб, дўстим, қўлимдаги қадоқларга.

Эй, Раҳимий, ўқинма ҳеч энди ёшлик ортда қолди,  
Дарё бўлиб оқмасанг ҳам қўшил тошқин ирмоқларга.

## ҚИЙНАДИ ЖОН МУНЧА ҲАМ

Эй, Худо, ёр хуснини қилдинг намоён мунча ҳам,  
Дедилар күрган кишилар: «Офати жон мунча ҳам!..»

Ул куни чиқди уйидан товланиб, зеболаниб,  
Қилди лола тоқат этмай ғунчасин қон мунча ҳам.

Дона-дона сўзлари ким дилга оташ бахш этар —  
Тингласа гар роҳат олмиш барча инсон мунча ҳам.

Панжалар гулдир хинодин, ҳуснига мосдур либос —  
Қошлирига барра ўсма бўлди меҳмон мунча ҳам.

Мендайин бир жафожўйга не сабаб этдинг насиб,  
Сев, дединг, севдимки охир қийнади жон мунча ҳам.

Бўлса ишқимда хатолиг тез совит кўнглимни сен,  
Боққанимда боқмади у бўлди осмон мунча ҳам.

Солмадинг қалбига сен, ҳеч мендаги пок севгини,  
Фамзасин боз ўйнатиб хўп қилди сарсон мунча ҳам.

Найлайнинки, ўтди жондан севгининг дил дардлари,  
Сақламай пинҳон уни ҳам қилди достон мунча ҳам.

Эй, Раҳимий, зор бўлма, дилраболар расми шу,  
Шукр айла Яратганга, қилма бўхтон мунча ҳам.

## СЕВГИЛИМСАН, ДИЛБАРИМ, СЕН

*Ғамзасин сөөдинг, кўнгил, жонинг керакмасму сенга?  
Фузулий.*

Севгилимсан, дилбарим, сен лаъли хандонинг керак,  
Нози-истигно, карашма - дилда эҳсонинг керак.

Ғамза қилсанг, майли қилгин, қилма манманлик сира —  
Сенга бўлсин, майли, бу жон аҳду паймонинг керак.

Ўтмасин беҳуда умрим сочма—ғафлат уйқусин —  
Бирга меҳнат, бирга шодлик, бирга ҳар онинг керак.

Сен разм сол икки симга: тортилиб бўлди дутор.  
Бир умрга жўр овоздур, ўйла, имконинг керак.

Кунга ҳамроҳ доимо ой. Шул сабаб олам ёргуғ  
Қалби осмондур уларнинг. Қалби осмонинг керак.

Иккимизни бир ғазалда бир байт деб айтсалар —  
Битта ғоя, битта мазмунга бирикконинг керак.

Эт билан тирноқ бўлиб ё, бир жисмга айланиб  
Битта жонга хизмат этсак, менга бу жонинг керак.

Эй, Раҳимий, тоза қалбга бўлса меҳмон тоза қалб  
Айт баралла яратганга: ушбу меҳмонинг керак!

## ЯРАТГАНДАН ТИЛАБ СӨГЛИК

*Касалхонада ёзилди*

Ҳаста бўлдим, ётадурман бўлиб муҳтож дуоларга,  
Дардларимни оларму деб очиб кўксим саболарга.

Кирса агар ширин овоз боғ томондан хонам ичра —  
Ожиз кўнглим интилади ўшал майин садоларга.

Атрофимда нози неъмат томогимдан ўтмас сира,  
Нозик дилим интиқ, фақат менга жони фидоларга.

Либосларим таним бирла уйиб битди хаёлимда —  
Мушкул мендә роя қилмоқ ҳаё бирла иболарга.

Пахта бирла босилган сув малҳам бўлар жисмимаро  
Гуноҳимни кечса Оллоҳ сабаб бўлар шифоларга.

Ўлтирибдир мижока қоқмай бошим узра дилоромим —  
Шу эмасми, дўстим мисол, чин вафога - вафоларга.

Кун демасдан, тун демасдан ишлар эдим бир замонлар  
Ётмас эдим лўқайд бўлиб қараб доим самоларга.

Қани, Оллоҳ берса қувват боғлараро сайр қилсам  
Суянсам ҳам рози эдим асо - мусо асоларга.

Шукр қилгин, Раҳимий, сен шу табаррук кунингга ҳам  
Яратгандан тилаб соғлик қўлинг очгин дуоларга.

## МЕНДАН ЎЗГА КИМДА БОР?

Эй, дилоро, сенга ҳурмат мендан ўзга кимда бор?  
Ҳам вафою ҳам садоқат мендан ўзга кимда бор?

Бирга юрдик, бирга ўсдик кўхна қишлоқ қўйнида —  
Сенга, жоним, яхши ният мендан ўзга кимда бор?

Гул очилса лолазорда сенга тердим дасталаб —  
Бергани қалбимда журъат мендан ўзга кимда бор?

Не сабабки, боққанингда титрагайдур жисми жон —  
Жисмаро пок бу муҳаббат мендан ўзга кимда бор?

Қанча ёнсам, қанча куйсам менсимай қилдинг ҳазил —  
Бу ҳазилга қилмоқ одат мендан ўзга кимда бор?

Боқмадинг асло менга ким бир қиё дарвозадан —  
Кутганим бир неча соат мендан ўзга кимда бор?

Пойладим ғунча лабингни севгидин сўзларму деб —  
Қилганим ушбу қаноат мендан ўзга кимда бор?

Эй, Раҳимий, тоқату ҳам қаноатлар бўлди кул —  
Ёндирувчи сир-синоат мендан ўзга кимда бор?

## ЙҮЛИНГ НУРГА ТҮЛДОДУР

«Агар күнглимин шод этса, ўшал Шерози жонони —  
Қаро ҳолига бахш этгум Самарқанду Бухорони»  
Хофиз Шеърозий.

Не сабабки, қаро холи ниҳоятда қародур?  
Ўта жасур экан доим лаби узра туродур.

Бу қарони қайдин олди? - десам деди дилором:  
Ҳабаш йигит совға этган менга азиз матодур.

Рашк қилдим бу ҳабашга «Шунчаларму қароси?»  
Кулиб деди: «Рашк қилманг, қалби унинг тазодур»

- Майли, - дедим, - тоза бўлса, нега лабга қўёдур?
- Лабим фунча бўлса бу ҳол, - деди - шудринг бўлодур.
  
- Деманг ундей, қуёш кулса, бу доғ аста кетодур.  
Ёки тўймай термулсам гар, бу бечора нетодур?
  
- Бечорамас, - деди,-менга Оллоҳ берган иноят  
Кулай бир бор, майли, қаранг, қўзингизга зиёдур.

Кўзларингга зиё бўлса, эй, Раҳими умид қил:  
Умринг бўйи юрган йўлинг ёруғ нурга тўлодур.

## ЖАННАТ ЭМАСМУ?...

*Дүстларимга*

Бу дунёning ҳар нүқтаси жаннат эмасму,  
Ҳар бир мөхнат соғ бўлсангиз роҳат эмасму?

Айланади қуёш доим, ой эса тунда —  
Шукр қилиб яшаш учун ибрат эмасму?

Мухтоҷ бўлмай табибларга юрсангиз омон —  
Тан-сиҳатлик, билинг, дўстим, давлат эмасму?

Бўхтон, ғараз-ғийбатлардан ўзни асрарлик —  
Инсон учун олий мақом-хислат эмасму?

Маънавият сирларини билмоқ бўлсангиз —  
Олимлардан қолган китоб улфат эмасму?

Үйғотаркан эрта тонгда қалдирғоч куйлаб —  
Оллоҳ учун ибодатга фурсат эмасму?

Ҳар намозда дуо қилинг набираларни  
Сиздан қолган энг табаррук кўчат эмасму?

Эй, Раҳимий, ҳар сўзингни муҳтасар этсанг —  
Китоб бўлса, авлодингга шуҳрат эмасму?...

# ЯНГРАДИ АШЬОРЛАРИНГ

*Ғазалларым ижрочиси  
хонанда Равшанбекка*

Мен нечун ёздим ғазалким, куйласин дилдорлар,  
Янграсин ширин садо бирла ёниб дуторлар.

Доира, ғижоказ билан бўлса ҳамоҳанг, розиман  
Чертса бармоқ уйғониб ҳам йигласа сеторлар.

Банди бандидан узиб гар куйласа хонаңдалар —  
Дардидан фориғ бўлибон тингласин беморлар.

Фийбату ҳамда ҳасаддан диллари кўп поралар —  
Қалбини этсин мунаввар, тортмасин озорлар.

Мисранинг ҳақ бандига мен жойладим ишқ риштасин,  
Авжига чиқса қўшиқ бўлсин дедим ошкорлар.

Дилбарим ҳам уйқудин ногоҳ туриб тутса қулок —  
Бир нафас ором олиб бўлсин менга иқрорлар.

Зарни қадрин билса заргар беҳабардур норасо,  
Арзимас бу армуғондан кулмасин ағёrlар.

Эй, Раҳимий, шод бўл сен, янгради ашъорларинг  
Бирга хониш айлади дуторлар, сеторлар...

## ОШНО ЭТМАСАНГ...

Нега көлдинг бу жаҳонга элни иншо этмасанг,  
Дўст тутиб сен яхшиликни қалбинг ифшо этмасанг.

Дил очиб, кўнгил очиб ё давраларда бир нафас —  
Кулги бирла жўраларга ўзни ошно этмасанг.

Ёки ноёб китобларни қилмаса ҳамроҳ қўзинг —  
Олуму фозил кишилар суҳбатин жо этмасанг.

Молу дунё лаззатига қўзларинг хўп тўймаса ҳам —  
Хотамийлик одатидан қилча ижро этмасанг.

Ёнгинангдан ўтса мискин ёки бир бечораҳол —  
Кўз юмиб, силтаб қўлингни зарра парво этмасанг.

Нозу неъмат қанча бисёр турса-да хон устида,  
Зору ночор қўшниларга, ўйла, совға этмасанг.

Кафтида йўқ зарра бойлик кетди Искандар, қара,  
Шундайин ибратни сен қалбингга бино этмасант.

Эй, Раҳимий, қолган умрингда шиор эт яхшилик:  
Сен гуноҳкор бандадурсан они иншо этмасанг.

## БҮЛДИМ АСИЛ АФСОНА МЕН

Ким гапирса тинглар эрдим севгидан афсона мен,  
Энди, билсанг, ушбу ўтда ўртаниб ҳам ёнамен:

На қилай, бокмас дилором мендайин ночорига,  
Шул сабаб бу даштаро Мажнун сифат девона мен.

Севги дарди кўп азобдур тортмаганлар билмагай,  
Дилбарим гўё табиб—бемор ўзим, гирёна мен.

Доимо пойлаб турардим ўтса бир бор кўргани —  
Ўлтиардим бош эгиб тургандайин остона мен.

Чиқса гар бοғ сайрига бир-бир ёниб Зухро мисол —  
Соя янглиғ әргашардим ҳуддики парвона мен.

Билмайин қапбим сирин у қилди доим эътиroz —  
Деди аста лаб буриб: «Сен нотовон-шоҳона мен!»

Охири эл олдида қилди Раҳимийни ҳижил —  
Деди маъюс: «Йўқ илож!», бўлдим асил афсона мен!

## ОРЗУЛАРИМ ЁЗМОҚЧИМАН

Рози бўлинг, дафтарларим, орзуларим ёзмоқчиман,  
Хаёлларим банд айлаган мавзуларни ёзмоқчиман.

Учиб кетди қушлар каби, армон бўлди ёшликларим —  
Кувиб асло етолмаган оҳуларим ёзмоқчиман.

Эслаб тунда ёр висолин юлдуз санаб ётганимда —  
Безиб мендан қочиб кетган уйқуларим ёзмоқчиман.

Дарвозадан чиқарму деб тоқ бўлганда тоқатларим —  
Пок қалбимда гунча очган туйғуларим ёзмоқчиман.

Соф муҳаббат очмас чечак рашқу хасад, азобларсиз  
Рангларимни ҳазон этган қайғуларим ёзмоқчиман.

Ҳақиқат ҳам қуёш янглиғ хонам ичра сочди нурин  
Мунаввар тонг совға этган ёғдуларим ёзмоқчиман.

Боғимдаги гуллар мисол ўсди ширин набиралар —  
Бахту иқбол олиб келган инжуларим ёзмоқчиман.

Дўстлар агар сўраб қолса Раҳимийдан мақсадларин,  
Кулиб аста жавоб берар: Орзуларим ёзмоқчиман.

# ЗОР БҮЛДИНГ ОҚИБАТ

*Нодира газалига иқтибос*

Зор қилдинг севганингни - зор бүлдинг оқибат,  
Номуносиб бевафога ёр бүлдинг оқибат.

Барча орзу ниятингга қилмади ҳеч эътибор,  
Сўнг пушаймон кўчасида хор бүлдинг оқибат.

Гулласанг ҳам лолалардек қўймади асло меҳр —  
Қолди чангда юзларинг, noctor бүлдинг оқибат.

Васлингта мухтожлигимни сездинг-у, оп айладинг,  
Қалби кирлар боғига гулзор бүлдинг оқибат.

Кимга қилсанг бевафолик юз жафоси нақд экан,  
Хор бўлди қисматинг, икror бўлдинг оқибат.

Гарчи бўлсанг шоҳ қизи кўксингда бор ғам найзаси,  
Бир ширин суҳбатга зор дилдор бўлдинг оқибат.

Шам мисоли нур таратдинг хонасида ёлбориб,  
Ёна-ёна охири bemor бўлдинг оқибат.

Сувга ботди зўр умидлар, синди орзу шишаси —  
Ҳам Раҳимиј қалбida инкор бўлдинг оқибат.

## СҮРА УЛФАТЛАРИНГДАН

Үтди умрим баҳра олмай шириң сүхбатларингдан,  
Каммидим ё, айтчи, жоним, ўзга улфатларингдан.

Барқ уараṛди лабларингда ҳаё бирла табассум  
Ёришарди қалбим уий яхши хислатларингдан.

Ўзинг ойу кўзинг Зухро, ҳуснинг эди бир жаҳон —  
Фахрланиб юрап эдим боқий давлатларингдан.

Боқقا кирсанг, яшнади боғ, юз очарди ғунчалар —  
Бўлур эди тезда ғойиб шудринг иффатларингдан.

Оқар эди шошиб, тезлаб севганига сочар деб  
Кўркишибми зилол сувлар жўшқин журъатларингдан

Синик кўнглим берди бардош нозу фироқларингта  
Қайтмадинг сен сароб йўлдан - ёмон ниятларингдан.

Бугун, дилбар, пушаймонсан, куз шамоли эсганда —  
Ҳазон янглиғ юзларингдан, билдим, хасратларингдан.

Раҳимиини айб этмагин йўлларингда неча бор —  
Хумор бўлиб ютди алам, сўра улфатларингдан.

## СҮРОҚЛАБСАН

Одамларни қилиб ҳайрон сўроқлабсан,  
Сўзларингни этиб бийрон сўроқлабсан.

Унутмабсан мени, дилбар, шунча йиллар.  
Раҳмат сенга, топиб имкон сўроқлабсан.

Ўтса ҳәмки умринг ширин, тинч, осуда —  
ғилдими ё номим туғён, сўроқлабсан.

Ҳаётингда кечди нелар, азизгинам,  
Бўлдингми ё кўп пушаймон, сўроқлабсан?

Ё хаёлинг банд этдими, оз бўлса ҳам —  
Бирга сурган давру даврон, сўроқлабсан?

Қаро қошу чарос кўзинг кечиб мендан —  
Топмадими бир соябон, сўроқлабсан?

Кўзларингни қамаштирган сароб йўллар —  
Кўтардиму чанг тўзон, сўроқлабсан?

Ўқинма ҳеч, ҳаёт, шундай - дер Раҳимий,  
Излаганинг энди армон, сўроқлабсан.

## ДИЛРАБО КЕЛГАН КУНИ

«Шеър — кўнгилга ўўл топишидан мусиқа»  
А. Қаҳҳор.

Ярқираб чиқди қуёш ҳам дилрабо келган куни,  
Кулди ғунча, ўйнади гул шўх сабо келган куни.

Не сабабки, билмадим мен қўш қанот дарвоза ҳам  
Очди кўксин шод бўлиб қоши қаро келган куни.

Тушди офтоб, бўлди меҳмон, жилмади ёр ёнидан,  
Етди у орзусига нозик адо келган куни.

Тўлди уйга ёри дўстлар, қилди хизмат қўшнилар,  
Беғубор қалбим аро нурли зиё келган куни.

Тўлди дастурхоним узра нози неъмат беҳисоб,  
Бизга маҳтал бўлди хўп Зебунисо келган куни.

Авжга минди базми жамшид севгилимнинг шаънига,  
Учди юлдуз шодлигидан қоши ё келган куни.

Ўзлигим ҳеч ерга сифмай кўзларимдан чиқди ёш,  
«Бир умрга шу вафодор!» деб садо келган куни.

Кетди қайғу эй, Раҳимий, сезмадинг сен шу кеча,  
Бўлди ошно ширин орзу дилрабо келган куни.

## СЕВМА, ДЕБ АЙТСАМ КҮНГИЛ...

Кишиким ишқ бирла ошинодур —  
Анга ҳар дам фалакдин минг жафодур.  
Лутфий.

Севма, деб айтсам күнгил, севдинг ўшал сайёрани,  
Кийнадинг ишқ ўтида ахир мени - бечорани.

Зор қилдинг йўлларига кўзларимни хор этиб,  
Эларо бўлдим маломат, топмадинг бир чорани.

Илтижою илтимосдан топмади таскин юрак,  
Кўхна тарих кўрмагандур мендайин оворани.

Аста-аста ғам юкидин бўлса рангим заъфарон,  
- Кўй, - деди дўстлар менга, - шу кўзлари қоп-корани!..

На қилай, ундан кечиб кетмоққа йўқ эркан илож,  
Қилмадим асло ҳаваским бошқа бир дилдорани!

Неча йиллар тоқат айлаб умрим ўтди, во дариф,  
Ташладим ўз ҳолига сўнг кўзлари маккорани.

Эй, Раҳимий, ўзгалардек кирма кўнгил кўйига  
Доғда қўйган не гўзаллар сендейин бечорани.

# ҚИЛМА ЁРДИН ШИКОЯТ

«Шеър - ошиқнинг оҳи...»

А. Қаҳхор.

Элга қилмам дилрабодин бевафо деб шикоят,  
Туганмасму ё тугарму бу жафо деб шикоят.

Бўлмади асло адо аччиқ алам, хижронлари,  
Қандайин бу қоп-коронғу муддао деб шикоят.

Неча бордим - хор бўлдимки гувоҳ остонаси —  
Қилмади ҳеч дардларимга бир даво деб шикоят.

Қалбини юмшарми деб икки кўзим ёш айласам,  
Чиқмади асло лабидин бир садо деб шикоят.

Юрди мардона бўлиб кибру ҳаволар саҳнида,  
Ота-онам бу ишидан норизо деб шикоят...

- Кеч! - деди ёронларим, йўл бермади шарму ҳаё:  
«Олмасин дилдор ҳунук ном - беибо, деб шикоят

Эй, Раҳимий, ёр қилса, майли қилсин юз жафо —  
Қилма ундан сен умрбод бевафо деб шикоят!...

## КИМ КҮРИПТИ МЕНЧАЛИК?...

Чархни мен күрмаган жабру жафоси қолдиму?  
Бобур.

Ким күрипти ёридин жабру жафони менчалик?..  
Ахтариб топмай сира меҳру вафони менчалик?...

Бормикин маҳзун юриб, дилпардаси бўлган хазин,  
Йиғласа кўз ўшлари тўсган самони менчалик?..

Айрилиқ сахросида куйган неча бечоралар —  
Қилдими Қодир худога илтижони менчалик?...

Кўрдингизми, дўйстларим, элга маломат кимсани,  
Ёки ғамга бир үмрлик ошиноми менчалик?...

Қанча ағёр шод ўлиб, кўшса азоб дил дардига —  
Бормикин пок сақлаган номус ҳаёни менчалик?

Барча ошиқ севгисига кекса тарихдур гувоҳ,  
Бир сўранг-чи, ким севибди дилрабони менчалик?

Кўл узатдим билмайин осмондаги сайёрага  
Кўрдими аҳли жаҳон ҳеч нарсани менчалик?..

Эй, Раҳимий, ўтди умринг, қил шукр Оллоҳга сен  
Дема асло: «Кўрди ким ёрдин жафони менчалик?»...

## ОШНО БҮЛДИ НОВДАЛАР

Куз келганды мевасидан жудо бүлди новдалар,  
Жудо бўлиб севганидан адо бўлди новдалар.

Куз шамоли ҳазил қилиб баргларини учирса,  
Шудринглардан кўз ёш қилиб бежо бўлди новдалар.

Урди дўллар душман бўлиб, нозиклиги сезилди,  
Совуқ тунлар заҳрин сочди, сазо бўлди новдалар.

Ҳаётининг ҳар бандига шукр қилиб, охири —  
Роз айтишиб бир-бирига паноҳ бўлди новдалар.

Қордан либос кийдилар-да ташлаб дунё ташвишин  
Совқотишиб қор кўйнига жо бўлди новдалар.

..Келди баҳср, кулди қуёш, осмон бўлди беғубор —  
Кўк кийиниб ўзгача бир дунё бўлди новдалар.

Раҳимийга: «Йигитлигинг қайтмас баҳор келса ҳам  
Ўксима», - деб соя ташлаб, ошно бўлди новдалар.

## **ХУМОР ҚИЛГАНИНГ ҒАЛАТ?..**

Бирга ўйнаб, бирга ўсдик, ор қилганинг ғалат?  
Күрганингда түсениб, хумор қилганинг ғалат?

Сайри гулзор этганингда гул узатсам олмадинг,  
Қайтганида бу қўлим nochor қилганинг ғалат?

Гулларимда не айб бор, менدادур асли гуноҳ,  
Олмадинг у ҳор бўлди, ҳор қилганинг ғалат?

Кўчамиздан ўтганингда очилиб, ял-ял ёниб,  
Бир ширин сўз сўзламоққа зор қилганинг ғалат.

Ёшлигингда шўх эдинг-ку, худдики ёнган олов —  
Улғайиб кенг қалбинг тор қилганинг ғалат.

Лайли-ю Ширин, Кумушлар севди-ю ўз ёрини  
Сен мени бечора деб инкор қилганинг ғалат?..

Катта бойлик, катта шухрат дилларинг ром айласа,  
Суймаганга суйканиб ёр қилганинг ғалат.

Эй, Раҳимий, йўқчиликдан хориж этмай ўзлигинг,  
Пок дилингни ёр учун афгор қилганинг ғалат!...

## ЖОНИ ФИДОСИНИ СҮРАНГ

Бўлсангиз фарзандталаб қоши қаросини сўранг,  
Орият, номусра бой ақли расосини сўранг.

Шодланиб қалбим қувонсин, десангиз доим унинг  
Қадди бастига муносиброқ ҳаёсини сўранг.

Илму ҳикмат чўғи ёнсин десангиз қалбидагар —  
Мўътабар фозил кишилардан зиёсини сўранг.

Берса Оллоҳ катта давлат, бўлса у хотамсифат —  
Дўсти, ёру ҳамнишинларга вафосини сўранг.

Қолсангиз дарду алам гирдобида ёлғизланиб  
Жонингизга жонини қилса фидосини сўранг.

Кексалик даври келиб, ётсангиз сиз ҳолсизланиб —  
Топмаса малҳам агар лафзий давосини сўранг.

Номингизни эларо ёд айласа сиздан кейин —  
Руҳингиз эъзоз этиб қилган дуосини сўранг.

Ота-онага, Раҳимий, ким мурувват айласа,  
Келди унга бир садо: «Акси садосини сўранг!..»

# ДУО ҚИЛИНГ, ҲОЖИЛАР!

*Мадҳия*

Салом Сизга, қалби оташ, меҳри дарё ҳожилар,  
Юзларида, күзларида нур ва ҳаё ҳожилар!

Эхромингиз оқ булутдан, қаддингизга муносиб  
Кундуз гулсиз, тунда ёнган меҳригиё ҳожилар!

Каъбатуллоҳ зиёрати фарзи айн бўлса гар —  
Расулуллоҳ суннатин ҳам адo қилган ҳожилар!

Мустақиллик шарофати - очилди йўл Каъбага  
Йилдан-йилга қўпаймоқда, толмас асло ҳожилар!

Оилада улуғ ота, маҳаллада фаришта —  
Билинг, сиздан тарқалмоқда элга зиё, ҳожилар!

Сиздан узоқ энди шайтон, ғараз, бўхтон, адоват —  
Келолмайди ёнингизга, бўлмас ошно, ҳожилар!

Зам-зам суви чашмасидай диллари пок, беғубор —  
Оллоҳ берди: обод сизга икки дунё, ҳожилар!

Ўсмоқдадур сэфларингиз, Раҳимий ҳам қўшилсин,  
Оллоҳ-таоло мадад берсин, қилинг дуо ҳожилар!

## ДУО ҚИЛГИН ЗАМОНАНГНИ...

Үтмоқдадур, азиз дүстим, қолган умрим фароғатда,  
Ташвишлардан бўлиб ҳоли Оллоҳ учун ибодатда.

Рўзгорим деб, фарзандим деб тиним билмай кеча-кундуз,  
Ёшлигим ҳам йигитлигим ўтган ахир машаққатда.

Бахт изладим ўзгалардек орзуларга боғлаб қанот,  
Қалбим деди: ҳалол юрсанг, бу орзулар шижоатда.

Ҳалол юрдим, ҳалол турдим дилимни пок этиб доим  
Ҳасадларни доғда қўйдим қатъий туриб қаноатда.

Отам рози, онам рози бўлди кўриб меҳнатимни  
Яшайсан деб дуо қилди икки дунё саодатда.

Бугун хурмат хонасида дўстлар билан шоду хуррам  
Ўлтирибман бўлиб мамнун замонамдан ниҳоятда.

Эй, Раҳимий, шукр қилгин берди Оллоҳ саломатлик  
Дуо қилгин замонангни ҳар кун тонгги ибодатда.

## ОЧИЛ, ЭЙ, ГУЛ!..

Очил, эй гул, баҳор келди, кутар сени харидоринг,  
Баргларинг ёз, кулди қуёш, кетар қалбингдан ғуборинг.

Совуқ тунлар ортда қолди, изгириналар ўйнамас бил,  
Соат сайин очмоқда юз она юртинг - гулизоринг.

Бошинг узра эсар албат тонг шамоли - майнин еллар —  
Тунлар сени пойлаб чиқар булбул отлиғ вафодоринг.

Шўх йигитлар этар совға гул шайдоси - дилдорига  
Олмаса гар ерда қолсанг уялмайсан, келмас оринг.

Димогларин чоғ этгани қизлар келиб узар ҳидлаб  
Бўймас армон орзуларинг, ниятларинг, ҳам қароринг.

Ўзинг нозик, қалбинг дарё, ҳуснинг каби феълинг гўзал  
Улуғ ҳислат соҳибисан, шод этмоқлик касби-коринг.

Ёшлар эмас, билсанг, жоним, кексалар ҳам баҳра олар —  
Очилсанг-чи, очил тезроқ, Раҳимий ҳам харидоринг.

## ПАРВОНА ГУЛ

Бандидан тонгда жудо бўлди-ю бир дона гул,  
Тегди дилбарга, бўлиб севгига баҳона гул.

Ул санам босди юрак устига аста кулиб,  
Ҳид таратди қалбиға очилиб шоҳона гул.

Ўхшаш эрди иккисин лаблари, оразлари —  
Шул сабаб қиз бағрида яшнади мастона гул.

Икки ошиқ шаънига турди у кўркам бўлиб  
Кўрган одам деди хўп: «тўй гул-у тўйхона гул!»

Қиз билан гул ҳам севинди - кулди осмонда қуёш:  
Қандайин бир хур замонки, очилар ҳар ёна гул.

Боғбон кўрса агарки завқ оларди касбидан —  
Бахт тиларди севгига, дер эди: «тўёна гул!»

Эй, Раҳимий, қаридинг, гулни сен қилма увол:  
Атрофингга бир қара, доимо парвона гул.

## ФАМЗА ҚИЛСАНГ...

Фамза қилсанғ, фамзаларинг ғазал қилсам,  
Шүхлик қилсанғ, жисми жоним бадал қилсам.

Ноз айласанғ, сўзларимга эркаланиб  
Нозларингни шўх байтда масал қилсам.

Орзуларинг камол топса дуолардан —  
Дуоларни саҳэрда ҳар маҳал қилсам.

Қарши турса отанг бизга, очиб қалбим —  
Дилларига тилларимни асал қилсам.

Иккимиизни кўролмаса гар ғанимлар —  
Ошкор этиб улар жисмин касал қилсам.

Розилигинг баён этсанғ, шодлигимдан —  
Кўйган ҳамма шартларингга амал қилсам.

Оч дилингни, мен ҳам очдим-ку дилимни —  
Қанча шартинг бўлса ошкора ҳал қилсам.

Севгимиздан бўлди хабардор Раҳимий  
- Рози бўлинг, деди менга «Ғазал қилсам?..»

## ШИРИН СҮЗЛАР

Хаста бўлсанг, жонга малҳам ширин сўзлар,  
Қанча бўлса шунчалар кам ширин сўзлар.

Аста-аста тарқатаркан, билинг, дўстим,  
Бўлса агар кўзларда нам ширин сўзлар.

Қанча соат чертиб тураг қалб торини,  
Қадрдонлар бўлганда жам ширин сўзлар.

Ширин сўзнинг гадосидур кўнгли ярим,  
Ўлтиришга бўлсин ҳакам ширин сўзлар.

Қай бир кўнгил бўлса тоза, бўлганда пок —  
У кўнгилда бўлар ўқтам ширин сўзлар.

Ширин давра бузилмасин, жим ўтирсин,  
Тополмаса агар одам ширин сўзлар.

Учраса гар дўсту ёринг, қариндошинг,  
Айтгин сиқиб қўлин маҳкам ширин сўзлар.

Доно айтар: душманингни дўстлаштирап  
Бегонани қиласа ҳамдам ширин сўзлар.

Эй, Раҳимиј, пок ниятда ёэсанг ғазал,  
Хурсанд бўлиб ҳатто қалам ширин сўзлар.

## ҮСМА ҚҮЙМА ҚОШЛАРИНГГА

Гүзаллик—соддалиқдадур.

Үсма қўйма қошларингга, аслини бир бор кўрай,  
Кўрдингиз-ку, дема аспло, тўймадим такрор кўрай.

Навбаҳорда тўнгни кутган ой қизи—шўх майса ҳам  
Деди аста: боққа кирса, суқланиб бедор кўрай.

Барча рассомлар йигилса, ўҳшатолмас ранг топиб —  
Чунки Оллоҳ санъати бу, шу сабаб хумор кўрай.

Ўсмани «учма» десанг ҳам учди кунга талпиниб —  
Ям-яшил бўлғандга эздинг, ёшини анҳор кўрай.

Суркасанг лўтчиқида сен рашки келар ойнакни ҳам —  
Мен-чи, мен? Титраб, уялиб бу ишинг безор кўрай.

Лабда ҳолинг бор-ку, жоним, ўсмадин ҳол қилмагин —  
Оқ юзингга ушбу доғлар бўлмасин губор, кўрай.

Сендан сўнгги илтимосим: қийналаркан ўсма, қош—  
Аслига тегма Раҳимий демасин: хунхор кўрай.

## ЭСДИ ЕЛЛАР

*Тонг манзараси*

Эсди еллар тонг саҳарда ғунчани шод этгани,  
Булбул айтган мисраларни қайтариб ёд этгани.

Нозанин қизлар каби гар ухласа япроқчалар—  
Уйғотиб, сийпаб юзини чангдан озод этгани.

Тунда қүнгап бўлса шабнам гул яногига секин—  
Ҳазиллашибми, рашк қилибми аста барбод этгани.

Не сабаб гуллараро ким тўзғитар чангларни бот—  
Шоштиарми чеккароқда рақс ижод этгани.

Шунча мағрур, шунча масурми, билолмам, ўй суриб—  
Келдими ё боғимизга ўзни Фарҳод этгани.

Эй, Раҳимий, сен қаноат косасида ич шароб—  
То омонлик хонасида дилларинг шод этгани.

## СЕНГА ҚИЛДИМ МЕН ВАФО

Сенга қилдим мен вафо, сен-чи, жонон, билмадинг,  
Хаста бўлди бу дилим, бўлди гирён, билмадинг.

Соя бўлдим эргашиб, қайга борсанг, доимо —  
Ибо қилдим айтгани, куйди-ку жон, билмадинг.

«Кўргин!» - деди фунчалар менга имо айлашиб —  
Боқмадинг ҳеч қайрилиб, бўлди нолон, билмадинг.

«Қалби пок», - деб ялинди тиниқ сувлар ўйнасанг,  
Аччиғланиб сочдинг сен, бўлди ҳайрон, билмадинг.

Мени аввал билардинг, нега қилдинг орият —?  
Рози эди онанг ҳам, бўлди бир ён, билмадинг.

- Менга бўлган муҳаббат сендан ўзга кимда бор? —  
Деган сўзинг ҳақ эди, бўлди ёлғон билмадинг.

Кўзларингда пушаймон ёнди, кўрди Раҳимий  
Ҳам дилингни қийнаган экан армон, билмадинг.

## **ҚУВОНТИРАЙ САБОМАН ДЕБ...**

Саҳарларда учар еллар сабоман деб,  
Гунчаларни ўйнаб аста ибоман деб.

Муҳаббатнинг гирдобида азоб чеккан —  
Кумушману Ширинманду Лайломан деб.

Қалби ярим дилпоралар бўлса йўлда,  
Дардларига малҳамману фидоман деб.

Тун қўйнида қолса бирон барно йигит —  
Аста кирсам хонасига зиёман деб.

Шохларини эгиб турса оқ олмалар,  
Билиб дарҳол химо қилсан асоман деб.

Дилбар қизлар рўмол солмай чиқса уйдан,  
Ўралсан тез бошларига ҳаёман деб.

Саҳроларга боролмайман боғлар туриб,  
Сўрашса гар жавоб бергум адоман деб.

Ширин-ширин ғазал битса Раҳимий ҳам,  
Дилларини қувонтирай сабоман деб.

## КЕЛМАДИНГ ДИЛРАБО БИРЛА

Нурин сочди қүёш аста саҳарларда сабо бирла,  
Очди ғунча лабларини юзларида қабо бирла.

Оқди сувлар шилдирашиб бахш айлашиб дилга ором,  
Аста ўтиб бўғстлардан ҳаё бирла, ибо бирла.

Қанот қоқди митти қушлар тўйиб тонгнинг ҳавосига  
Дедиларки қулоғимга: «Келмадинг дилрабо бирла».

Шундайин бир ширин онда бўлса ёнингда гар жонон  
Атир гулдан дәста боғлаб узатгин марҳабо бирла.

Қабул қилса кулиб пинҳон чизиб ерни оёғида,  
Боқолмасдан кўзингга тик, ширин орезу ҳаё бирла.

Ажаб сўзлар топиб сўзла ғунча янглиғ очилсин дил,  
Сенинг номинг кириб борсин қалбига пок ҳаво бирла.

Бўлса ҳамроҳ мунаvvар тонг беғубор шу ниятингга,  
Шунда бахтдан таҳт тилайди Раҳимий ҳам дуо бирла.

# *Түёки қаро ҳолинг яног ичинда қолди*

**(Мухаммаслар)**

## БҮЛМАГАЙ ОШНО СЕНГА

Бүлмагай ошно сенга гийбатга дүст бүлса киши,  
Үзлигин ортиķ тутиб, зийнатга дүст бүлса киши,  
Билмайин эл қадрини меҳнатга дүст бүлса киши,  
Беҳаё-ю беибо одатга дүст бүлса киши,  
Илдиз отган ножӯя иллатга дүст бүлса киши...

Устида оппоқ либос, ораста-ю соз бүлса ҳам,  
Юзларин гул айлаган покиза пардоз бүлса ҳам,  
Ҳам жамоат ўртасида қомати ғоз бүлса ҳам,  
Сўзлаганда сўзларида тавозе ноз бүлса ҳам —  
Бүлмагай ошно сенга гийбатга дүст бүлса киши...

Маърифатдан маъни айтса, тингласа барча одам,  
Фикрига кўплаб китоблардан мисоллар берса ҳам,  
Битмаган ишлэрни доим битказиб, бүлса ҳакам,  
Оқсоқолу ёш-ялангни этса ҳам у муҳтарам,  
Бүлмагай ошно сенга гийбатга дүст бүлса киши...

Издиҳомда тўридан унга ҳалойиқ берса жой,  
Ҳар сўзида кўзлари қувноқ боқиб очса чирой,  
Гўёки юлдузаро турган каби осмонда ой,  
Бўлса ҳам билмас эса ўз қадрини у ҳойна-ҳой —  
Бўлмагай ошно сенга гийбатга дүст бўлса киши...

Бирга юрсанг, бирга турсант, кўзларида бўлса дўст,  
Лабзи ширин ҳам суҳандон—сўзларида бўлса дўст,  
Юзма-юз турсанг агарда юзларида бўлса дўст,  
Бир товоқда ош есанг гар тузларида бўлса дўст  
Бўлмагай ошно сенга гийбатга дўст бўлса киши...

Бир нафас сен бўлмасанг, шаъннингни айлар икки пул,  
Зоти покингга отар тош лойқага чулгаб нуқул,  
Бизга дўст бўлмас, билинг, бу — дейди сени—зоти қул,  
Чунки, дер, у биз каби ҳеч бўлмагай албатта гул  
Бўлмагай ошно сенга гийбатга дўст бўлса киши...

Эй, Раҳимий, шундайин дўст бўлса ундан бўл иироқ,  
Турма ёруғ нурларида бўлса хатто у чироқ,  
Сирларингни очма унга, очмаганинг яхшироқ,  
Ундан, албат, сенга яхши, яхшироқдур бир сабоқ,  
Бўлмагай ошно сенга фийбатга дўст бўлса киши...

## ГУЛБОҒ ИЧИНДА ҚОЛДИ...

*Нусрат Абдусалом  
азазлига мухаммас.*

Сенга аталган гулим тупроғ ичинда қолди,  
Ишқ дафтарим ёнди-ю ўчоғ ичинда қолди,  
Дўстлараро бу бошим сўроғ ичинда қолди,  
Сен кетдинг-у бу жисмим гулбоғ ичинда қолди,  
Васлингта ташна қалбим фироғ ичинда қолди.

Қон йигладим, дилоро, ишқим хато экан деб,  
Йўлларингда қутганим, аттанг, жафо экан деб,  
Барча азоб-уқубат аччиқ нидо экан деб,  
Жисмим фироғда ёлғиз баҳтим қаро экан деб,  
Гўёки қора ҳолинг яноғ ичинда қолди.

Рангим самон бўлди-ю суюкларим мисли чўп,  
Сенга етмоқ азоби беҳисобу эмиш хўп,  
Чунки сени севғанлар бўлардилар тала-тўп,  
Зулфингнинг толасидан ошиқларинг эди кўп  
Мисоли тола сочинг тароғ ичинда қолди.

Муҳаббатни фозиллар деди: яшайди мангу,  
Агар иссанг шаробин босар лашкари қайгу,  
Бўлса агар қалби соғ яшар покиза туйгу,  
Кафт узра пок дилимни тутдимки олмадинг, у—  
Оқ пахтадек мисоли чаноғ ичинда қолди.

Табиб айтди-ку сенга қалбида «қора йүк» деб,  
Ишонмасдан әзизим, кетдингки «зорға йүк» деб,  
Остонанға ыиғласам, құвдинг «юз бора йүк» деб —  
Арзимни гулға айтсам чайқалди «чора йүк» деб —  
Дурдек күзим ёшлари яноғ ичинда қолди.

Боғлар аролаб юрсам ғунчалар - тугунчалар —  
Күріннімади күзимга арилар - құзғунчалар,  
Солса захрин билинмас баданимда үнчалар —  
Фаҳм айлагайми билмам, дардимни гулғунчалар,  
Чок ўлди күксі гүё түлғоғ ичинда қолди.

Иложим йүк ҳәсратим ғазал қилиб терурман,  
Сенсиз ҳәёттім кемтик, не деб күкрак керурман,  
Қолған умрим, Раҳимий, қаноатта берурман,  
Ишқингаро, дилором, мангы ҳәёт зурман —  
Үлсам дема: «Бу Нұсрат тупроғ ичинда қолди».

## ТАБРИКЛАЙМАН!

*Моҳир үқитувчи Мадаминжон Сайдовға*

Табриклайман, укажоним, Сизни улуғ ёш билан,  
Құлымда гул, құзларимда севинч тұла ёш билан,  
Фаолият күрсатдінгиз іозлаб, минглаб ёш билан,  
Сабр билан, чидам билан ирода-ю бардош билан,  
Күйіб мәхр фәнніңизга юракда бор оташ билан!

Табриклайди бир мен әмас, «Қайроғочу», «Құнғирот»,  
На «Құнғирот», на «Қайрағоч» бутун үлка, вилпоят,  
Шундай үғил үстирганин күз-күз қилишиб ғоят,  
Елканғизга құл ташлади қилиб Сизни Зиёрат,  
Шу қатори табриклайман Сизни улуғ ёш билан!

Қушлар каби учиб кетди ёшлигингиз—умрингиз,  
Ёшларо чидаб келди бардошингиз—сабрингиз,  
Чиқмади ҳеч шўхликларга жаҳлингизу заҳрингиз,  
Шу сабабки, кўтарилидди обрўйингиз—қадрингиз —  
Табриклиман кўзларимда севинч тўла ёш билан!

Кимё фани — бир мўъжиза. Сизга очди сирини,  
Улуғ олим Менделеев ташлади кўз қирини,  
Таништирди моддаларнинг бирма-бир ҳар бирини,  
Билгин, деди халқинг учун фойдасини—қадрини  
Ўргандингиз сабр билан, иродав бардош билан!

Тинмадингиз ёшларни ҳам Менделеев қиласай деб,  
Очиқ қолган катакларнинг сирларини билай деб,  
Билиш сири заковатин Оллоҳимдан тилай деб,  
Топсам агар бир янгилик номим қўйиб илай деб,  
Ёниб дилдан, қўйиб мөхр, юрақдаги оташ билан!

Оилада улуғ ота: этак-этак набира,  
Хат ёзганда тиззасидан тушмас эмишлар сира,  
Бири Маҳмуд, бири Эркин, Гулчехраю Шоира,  
Келинлари худо берган: давримизга Нодира,  
Табриклиман укажоним, Сизни улуғ ёш билан!

Сафимиизга қўшилдингиз: деймиз энди Оқсоқол,  
Тўрилардан жой берамиз—ўтирасиз бемалол,  
Сўрашамиз ҳар намозда дилни очиб ҳол-аҳвол,  
Сизга берди бу баҳтни, билинг, ука, Истиқлол —  
Табриклиди Раҳимий ҳам кўзда севинч ёш билан!

## АËЛ

Бу гўзаллик, бу латофат тангридан неъмат сенга,  
Хўп ярашмиш қошу кўзлар ўрнашиб ғоят сенга,  
Билки, ишва, барча нозлар аслида санъат сенга,  
Мехрибонлик, дилраболик бекиёс ҳислат сенга,  
Билармусан, гоҳида бермоқ азоб лаззат сенга!

Қанча олим, қанча фозил таърифинг достон, деди,  
Сўз тополмай қанча шоир бошларим ҳайрон, деди,  
Нуқта янглиғ ҳолларингга икки шаҳар эҳсон, деди.  
Кўрмасам бағрим кабобу дилларим гирён, деди.  
Бу гўзаллик, бу латофат тангридан неъмат сенга.

Меҳринг ўти ўсди ушшоқ элининг нигоҳида  
Шу сабабки, ёнди Мажнун севгининг ўт оҳида.  
Эгмади Фарҳод бошин Ҳисрав қароргоҳида.  
Топди иқбол Нодираки хон Умар даргоҳида,  
Мехрибонлик, дилраболик бекиёс ҳислат сенга!

Сен билан обод хона, ҳам тарқалур нур ҳар тараф,  
Оила ороста, гўё қиз-ӯғил дурру садаф,  
Умрингга йўлдош киши ҳеч юргагай ҳар ён қараб,  
Нур сочар сенга қуёш меҳр бирла эрталаб,  
Бу гўзаллик, бу латофат тангридан неъмат сенга!

Мен хаёл қилдим сени кўп: оламаро зиёсан,  
Ёки нурдан яралгансан, ажиб меҳригиёсан,  
Покликка тимссл ўзинг, ибосану, ҳаёсан,  
Марямсану Фотимасан, Ҳадича ҳам Зухросан —  
Мехрибонлик, дилраболик бекиёс ҳислат сенга!

Сөндаги ушбу гўзаллик, ўйладим, хўп, гулда йўқ,  
Боғаро ноёб аталмиш бўлса-да, сумбулда йўқ,  
Сўзласанг, сўзинг жилоси, тингладим, булбулда йўқ,  
Мендаги сенга муҳаббат, ўйлагин, ҳеч кулда йўқ —  
Билки, ишва, барча нозлар аслида санъат сенга!

Шукр қил сен яратганга шунча неъматлар ҳақи,  
Покиза қалб, тоза виждон, яхши хислатлар ҳақи,  
Ой юзинг, гулдай чиройу катта давлатлар ҳақи,  
Боқса ким тўймайдиган хусну малоҳатлар ҳақи,  
Бу гўзаллик, бу латофат тангридан неъмат сенгга!

Рўзғорнинг бутлиги, файзу барокати ўзинг,  
Тинч-тотув ҳамда ширин турмуш шарофати ўзинг,  
Ҳам гўзал юртнинг мудом баҳту саодати ўзинг.  
Дер. Раҳимий, бу ёруғ дунёни жаннати ўзинг —  
Мехрибонлик, дилраболик беқиёс хислат сенга!

## ИЗЛАРИМНИ ИЗЛАРМИКИН?

Мендан кейин фарзандларим изларимни излармикин?  
Кўзин юмиб, суриб ҳаёл юзларимни излармикин?  
Китобларим вараклашиб сўзларимни излармикин?  
«Сен» демасдан катта қилдим «Сиз»ларимни излармикин?  
Суратимга боқиб гоҳо кўзларимни излармикин?

Меҳнатимнинг қаймогини шулар учун фидо қилдим,  
Ҳаётимнинг кўп қисмини «болам» дея адо қилдим,  
Меҳрим жўшиб, айтганларин ўз вақтида бажо қилдим.  
Яхши ният, орзуларни дилларимга мен жо қилдим —  
Мендан кейин йўқлаб мени изларимни излармикин?

Соғлом ўсди барчаси ҳам саҳар қилган дуолардан,  
Юзларига доғ тушмади ёшлиқдаги хатолардан,  
Ибрат олиб улуф инсон — боболардан, момолардан,  
Таълим олди, шукр Оллоҳ, аҳли илм-зиёлардан —  
Хизматларим эсга олиб, изларимни излармикин?

Ўзгаларнинг фарзандидек бўлармикан олижаноб,  
Ўқиш учун ҳадислардан очармикин биронта боб,  
Ҳолин сўраб турармикан дўсти-ёrim бўлса бетоб,  
Элу юртга хизмат айлаб олармикин ёки савоб —  
Мендан кейин йўқлаб мени изларимни излармикин?

Софинганда қадрдонлар излаб келса қадр айлаб,  
Хурмат билан кутармикин дарвазада сабр айлаб,  
Яхшилигим сўзлармикин «Отам» дея фаҳр айлаб,  
Юрармикин камтар бўлиб ўзин доим фақир айлаб —  
Китобларим вараклашиб сўзларимни излармикин?

Ёшликларим ўтиб кетди етимликнинг гирдобида,  
Умрим бўйи мустар бўлдим йўқчиликнинг азобида,  
Ўзгаларга меҳнат қилдим саратоннинг офтобида,  
Мендай инсон борми, қаранг, инсоният китобида —  
Мендан кейин фарзандларим изларимни излармикин?

Ота номин тилдан қўймас ноёб ақли расолар ҳам,  
Фаҳр билан ёд этаркан, билинг, ҳатто, даҳолар ҳам,  
Ҳар намозда дуо айлар олим, фозил, порсолар ҳам,  
Шул сабабдан қўйлаб эсар улар исмин саболар ҳам  
Мендан кейин фарзандларим изларимни излармикин?

Шеърларимнинг гулдастасин бешта мўъжаз китоб қилдим,  
Ҳамда қишлоқ гарихини улуғладим-тавоб қилдим,  
Оллоҳ азиз қилганларни алоҳида бир боб қилдим,  
Бу иш билан ҳалқ олдида гуноҳ ёки савоб қилдим  
Китобларим вараклашиб сўзларимни излармикин?

Боғ яратдим: узум, олма, ўрик, беҳи, шафтолидан,  
Баҳра олиб мева берди Асаканинг шамолидан,  
Лаззати ҳеч қолишмайди асал арининг болидан,  
Кирган одам яйраб чиқар унинг хусну жамолидан,  
Мендан кейин шу боғимдан изларимни излармикин?

Халқ билади: ҳалол эди барча қылган меңнатларим,  
Тақдирланди әл олдида оз бўлса-да хизматларим,  
Ҳурматландим ёқиб баъзи қалбимда бор хислатларим.  
Шукр дейман, дўстлар, айтинг, шу эмасми давлатларим,  
Мендан кейин фарзандларим изларимни излармикин?

Намозимда қўл очаман узун-узун дуоларга,  
Ижобати тексин дея менга жони фидоларга,  
Оллоҳ умр, баҳт берсин ўшал қоши қароларга,  
Рахимий ҳам дил очди тонгги майин саболарга  
Китобларим варақлашиб сўзларимни излармикин?

# *Бир оғиз шириң сүз*

## ТҮРЖИКЛАР

Тоғларга қарайман: жилмас ўрнидан —  
Зилзила, бўронда қолиб кетса ҳам.  
Инсоний муҳаббат гўё тоғ экан —  
Абадий яшаркан йиллар ўтса ҳам.

\*\*\*

Туйғусида поклик бўлмаса агар  
Уйқусида поклик бўлмайди сира!  
Нафси учун яшаса инсон, билинг:  
Орзусида поклик бўлмайди сира!

\*\*\*

Юракдаги дардлар тўкилар бир-бир —  
Бир пиёла чойдан бошланса суҳбат.  
Бегона одам ҳам дўст бўлар ахир —  
Ўртада туғилар меҳру муҳаббат.

\*\*\*

Дўстинг ютуғини табрик этмоқлик —  
Кўнгил поклигига энг олий ҳужжат.  
Башарти юрақда бўлса ҳасад, кин —  
Дўст ташвишлари беради лаззат.

\*\*\*

Қоғоздан ясалган бир варрак мисол,  
Болалар югурса учмагин бирга.  
Ҳаётдан ибрат ол, чиқар хулоса —  
Оллоҳ инъом этган, ишон тақдирга!

\*\*\*

Бир чинор шохларин кузатдим роса:  
Новдалар бўй чўзар, барглар-раққоса.  
Сув берар бир тана, берар озуқа —  
Хуррам яшашмоқда қилиб муроса.

\*\*\*

Заҳрин сочиб югурди шамол,  
Саф-саф бўлиб қочишиди чанглар.  
Она ердан узмай бағрими —  
Қимирламай турди ҳарсанглар.

\*\*\*

Инсон енгар экан фам ва аламни  
Фақат ҳамроҳ бўлса қаноат, сабр.  
Аллоҳ кўриб турса яхшилигингни —  
Жаннатда кечкандай ўтаркан умр.

\*\*\*

Ер юзи гўзал бир жаннат бўларди —  
Раҳбарлик қилса гар ягона мақсад.  
Оллоҳим сақласин: орадан чиқса,  
Кулга айлантирас қилчалик ҳасад.

\*\*\*

Бу оламда бир бойлик бор: йўқ баҳоси  
Умринг бўйи тугамайди: йўқ адоси!  
Агар уни олмоқ бўлсанг, айтай, ўғлон:  
«Ота деган улуғ зотнинг чин дуоси!»

\*\*\*

Кимки келиб тотди ҳаёт лаззатин —  
Бир кун ичар албат ўлим шарбатин.  
Билмагай ҳеч қолди қанча масофа —  
Шу сабабки билмас қачон навбати.

\*\*\*

Иғво парчалади муҳаббат созин,  
Камолот пойига ғов бўлди бўҳтон.  
Ҳасадлар емирди орзуларимни —  
Қалбим қутисини тўлдирди армон.

\*\*\*

Масжидга киришдан ўн минут опдин,  
Таҳорат оламиз: покланиб обдон.  
Қалбимиз кирини пайқамай асло —  
Илтижо қиласиз Оллоҳга баъзан!

\*\*\*

- Биқирлаб, шод бўлиб, қайнашим сабаб —  
Билинг, ҳурматим баланд, - деди қозон.  
- Калтабинлик қилмагин, - деди ўтин —  
Ёниб кўл бўламан сен учун, нодон!..

\*\*\*

Бемор ётма! Ётсанг энг ғарип сенсан —  
Бир күлтүм сувни ичолмай, ё, раб?  
Фақат, дүстларингни кутасан, холос —  
Үзинг ҳам сезмайсан, бунга не сабаб?!

\*\*\*

Гўзал табиатнинг эрта тонгида —  
Гуллар юзидаши шудринг сингари —  
Мўлтиллаб кўзингга боққим келади,  
Муҳаббат юлдузи, кўнглим дилбари!

\*\*\*

Рўзфорим, сен уйимсан, оиласам, —  
Фарзандларга маконсан - у ифтихор!  
Шу сабабли этмайин деб хору зор —  
Умрим бўйи сенга бўлдим мардикор!

\*\*\*

Муҳаббатим, масканинг қалбимдадур,  
Ички сирсан, кўринмас бир мўъжиза!  
Шул сабабки, пайқамас кўплар сени —  
Қанчалар соғ, бўлсанг ҳамки покиза!

\*\*\*

Устига юк ортган карвон сингари —  
Умр ўтар экан турли йўллардан:  
Гоҳида қоларкан чақмок, дўлларда,  
Гоҳида ўтаркан саҳро, чўллардан.

\*\*\*

Оқиллар ақли ҳам ожиздир баъзан:  
Тарих варагини кузатгани он —  
Қарангки, дунёни олган Искандар —  
Гадо саволига бош эгди ҳайрон...

\*\*\*

- Индамаслар юрти бўлган қабристон,  
Айт-чи, сенда қанча олим бўлди жам?..  
- Менга тенгдур шоҳу гадо, авом ҳалқ —  
Қабул қилгум қандай ҳолда келса ҳам!..

\*\*\*

Саломга құл чүзсанг агар бировга,  
Лабингда озгина табассум бўлсин.  
Иложи борича топгин ширин сўз —  
Овозинг сўзингдек мулойим бўлсин.

\*\*\*

- Ер юзида нима кўп? - дейишса, дониш:
- Фақат орзу кўп, - деб берибди жавоб.
- Остида·чи? - дедилар қизиқиб яна:
- Кўмилиб ётибди армон беҳисоб!

Оила·ҳаётинг пойдеворидур.  
Ёр эса уйингнинг номус·оридур.  
Фарзандлар - иккисин улаган занжир —  
Ақли расо бўлса, ифтихоридур.

\*\*\*

Кимки бўлди лоқайд - йўқдур ҳиммати,  
Эларо тўкулур баргдек ҳурмати.  
Пушаймсон ўтида ёнгач бир куни —  
Минг бора уринсин бекор меҳнати.

\*\*\*

Рўзгор юқин кўтармоқ учун —  
Кўплаб ишга қўл урап инсон.  
Матонату бардоши бўлса,  
Ақли билан топади имкон.

\*\*\*

- Ким осон ўлади? - дея сўради доно  
Жавоб берди толиби илм: «Гадо!  
Чунки унинг йўқдир мулки, бойлиги.  
Кимга қолтур деб тортмас ғам, мутлақо!..»

\*\*\*

- Ким Хотам мақомига эришур, устоз?  
- Ким ғариб, бечорани айласа эъзоз.  
Ва яна Оллоҳ номин сақласа дилда  
Хам беминнат сахийлик қилса қишу ёз!..

\*\*\*

Бадавлат бўлсанг, ўглим, кичик шартим бор:  
Камбағаллар олдида мақтанима зинҳор,  
Камтар бўл, хурмат қиласар катта-ю кичик  
Ҳам дўсту ёринга қилгин эътибор...

\*\*\*

Имкон бўлса баҳилдан йироқроқ юргил,  
Ҳасадгўйдан дўст тутма, оғритар кўнгил.  
Виждони тоза дўстни тополмасанг гар —  
Дилинг шод этувчи китобни дўст қил.

\*\*\*

Оиласда қачон бўлар барака ҳайр?  
Дедим: бўлса тотувлигу ўзаро ҳурмат.  
- Нима берар оиласга барака тотин?  
Дедим: орасталик, поклигу ҳалол меҳнат.

\*\*\*

Дилинг босса ногаҳондан қоронғулик гар —  
Китоб ўқи, қалбинг уйин қиласар мунаvvар —  
Сенга ҳамроҳ, сенга ҳамдард доно қаломи —  
Тўғри йўлга етаклайди бўлиб бир раҳбар.

\*\*\*

Фараз - инсон ичидагёки илон:  
Покиза ниятга бермайди имкон —  
Чакади, қийнайди, дўст бўлмас сира —  
Вужудинг заҳарлаб туради ҳар он.

\*\*\*

Ёруғ хонам, мўъжаз хонам - менинг тахтим,  
Тинч-осуда яшаганим менинг баҳтим.  
Саломатман, дўстлар билан бирга доим —  
Шукр қилиш яратганга - менинг аҳдим.

\*\*\*

- Дунёда энг хушёр ким? - деди шогирд.  
Доно деди ўй суриб: «Ожиз одам».  
- Сабаб? - деб сўраса, у берди жавоб:  
- Минг бора ўйланиб ташлайди қадам!

## *ЖУЗОҚЛАР*

Бу бошингга не савдолар тушди, жоним?!  
Билиб тоқат қилолмасдан күйди жоним.  
Күзларингдан оқди қанча шода ёш —  
Сен бекитдинг, деди кўзинг «Бу маржоним!»

\*\*\*

Озмиди шунча азоб, кўзи чарос, қоши қалам,  
Ишқ оловида ёнувчи ўтинингман бир қалам.  
Сухбатингга йўқ иложим, ноилож хат айладим —  
Ташлагин кўз, оқ қофозга тўқди дардимни қалам.

\*\*\*

Севар эдим ойга ўхшаш Гулойимни,  
(Само эса қамситма дер сен ойимни)  
- Майли, деди учрашувда уялиб қиз:  
- Мен розиман, рози қилинг сиз ойимни!...

## ИККИЛИКЛАР

Туни билан ухлолмадим бир ғазалнинг ишқида,  
Ғазал эса йиглаб турди бир гўзалнинг ишқида.

\*\*\*

Кимки сенга бўлди устоз таъзим айла бир умр,  
Этмасанг ҳурмат бажо гар тор бўлармиш кенг қабр.

\*\*\*

Либосинг кўк, юзинг қизил, чиройлисан, қалампир,  
Дўст бўлай деб яқинлашсам, ичинг заҳар-ку ахир?!

\*\*\*

- Сочларингни нега қирқдинг - десам, деди:
- Белларимга ногиҳон чўлғанар эди!..

\*\*\*

Хур-парилар - гўзал, аммо осмондадур,  
Гўзалликни қидирсангиз—инсондадур.

\*\*\*

Сен билан кетди, дилором, энг ширин айёмларим,  
Қолди йиглаб ўрнида бечораҳол илҳомларим.

\*\*\*

Ким ўзин санабди элда билимдон —  
Билки, у эларо ҳақиқий нодон.

## ЧИСТЮНЛАР

Аёғи түрттадир, қалби - чүг, оташ,  
Кимнингдур уйида у турар ювош.  
Ҳар кимга дүст бўлиб очар қалбини —  
Унда йўқ кўзу қўл ва ҳаттоки, бош!

\* \* \*

Тани силлик, думалоқдур, ранги бекасам,  
Адашмайсиз: доридур у, ичаман қасам.  
Рухни тетик қилувчикур, еганда бемор —  
Вужудига, юрагига беради мадор.  
Уруғи кўп, қоп- қора-ю мисоли танга,  
Фойда берар экса уни халқа, Ватанга!

\* \* \*

Мўъжизалар мўъжизаси, билсангиз,  
Кўриб бўлмас минг ҳаракат қилсангиз.  
Одам борки, интилади олмоққа,  
Олиб уни элда машхур бўлмоққа.

Йигиш қийин, нарса эмас йиққани,  
Сотилмайди олиб кўплаб ютгани.  
Ҳаводамас, кўриб бўлмас кўз билан —  
Таърифини айтиб бўлмас сўз билан.

## БУГУН БАРГЛАР ТҮКИЛМОҚДА

Бугун барглар түкилмоқда сарғайиб, сўлиб,  
Учирмоқда қийнаб уни кузнинг шамоли!  
Раҳминг келар ёлғиз бўлиб қолган новдага,  
Титраб-қақшаб йиғламоқда қуриб мажоли,  
Ўйнамоқда қийнаб уни кузнинг шамоли!

Бугун барглар түкилмоқда сарғайиб, сўлиб  
Боссанг уни қийланади покиза виждан!  
Яшил либос кийдирганди баҳор қуёши,  
Жонин фидо этган эди иссиқ саратон —  
Босмоқ учун қийланади покиза виждан!

Бугун барглар түкилмоқда, сарғайиб, сўлиб  
Ризқи унинг тугадими, битдими куни?  
Нетсин энди табиатнинг айланиши бу  
Чиритади ёмғир суви, қорнинг учқуни!  
Ризқи унинг тугагандур, битгандур куни!

Бугун барглар түкилмоқда сарғайиб, сўлиб  
Яраттанинг ҳукми шу-да, ўқинмагин ҳеч!  
Соғлом бўлса ҳар ниҳолнинг илдизи, тани —  
Яна баҳор қуёшида ўсар эрта-кеч!  
Яраттанинг ҳукми, эркам, ўқинмагин ҳеч!

Бугун барглар түкилмоқда сарғайиб, сўлиб...

## КИМДА БҮЛСА ПОКИЗА ЮРАК...

Кимда бүлса покиза юрак,  
Покизадур ундаги вужуд  
Оилага, севгили ёрга —  
Жисмиаро садоқат мавжуд!

Кимдә бүлса покиза юрак,  
Улуғ номга бүлар мушарраф.  
Енгиб ўтар барча заҳматни —  
Ва кептирап номига шараф.

Кимдә бүлса покиза юрак,  
Лабләрида яшар табассум.  
Нафси учун бүлмайди ҳеч қул —  
Булғанмайди ундаги ҳалкум.

Кимдә бүлса покиза юрак,  
Томирида жүшар тоза қон.  
Шу осуда күнлар қўйнида  
Мартабали бир азиз меҳмон.

Кимдә бүлса покиза юрак,  
Яшар унда ширин туйгулар!  
Қувар доим ҳасад ва ғамни —  
Човут солса ёхуд қайгулар!  
Кимдә бүлса покиза юрак,  
Тенг кўради барча инсонни.  
Мартабаси осмон бүлса ҳам —  
Хурмат этур ҳар битта жонни.

Кимдә бүлса покиза юрак,  
Унда бордур жасорат, ғайрат!  
Ҳаёлтларин парчалар ишонч —  
Орзу билан яшайди албат!

Кимда бўлса покиза юрак,  
Фуссалардан бўлади озод!  
Пок сақласа, тушурмаса доғ,  
Кўзгу каби равшан умрбод!

Кимда бўлса покиза юрак,  
Қилмаса, гар унга ҳиёнат —  
Сароб бўлмай юрган йўллари —  
Ҳаётига бўлар қўш қанот!

Кимда бўлса покиза юрак,  
Ундан узоқ юради ҳасад.  
Кир изламас тирноқ остидан —  
Бузилмайди ундаги ният.

Кимда бўлса покиза юрак,  
Танидаги муқаддас жисм!  
Уни берган Оллоҳга таъзим —  
Ҳар намозда айламак лозим!

Чунки Оллоҳ олдида юрак,  
Ўз эгасин қиласр ҳимоя!  
Олиб кирар эмиш беҳиштга  
Солдирмайин заррача соя!

Ўйинқароқ, ўғлим, жонсарак —  
Софлом бўлсин сендаги юрак!  
Топай десанг, элда зътибор —  
Софлом бўлсин сендаги тилак!

## ҚАРИЛИККА ҚУЛ БҮЛИБ ҚОЛДИМ

Катта альбом жавонда экан  
Бир расмга йүлиқиб қолдим:  
Құллари лой, ўйин билан банд —  
Ким экан бу?.. Ўйларга толдим.

Нарироқда томоша қилған —  
Эсга келди: эңг катта акам.  
Эрмак қилиб лабини бурған —  
Хайдарали — кичкина укам...

Ёшлигимда ўта шүх здим:  
Уддағурун ҳамда ғирт тажанг.  
Нима қилай? Оллоҳ берған феъл —  
Үрин босмас экан-да «аттанг!»

Тинмас здим ҳовли ичида:  
Товукларга сепар здим дон,  
Сездирмасдан онамга гоҳо —  
Ташлэр здим олапарга нон.

Тегажаклик қилиб новвосни —  
Қитиқлардим баъзан ётганда.  
Сузишини ўйламай аспо --  
Атросфидан ўтаётганда!..

Битта олма иштиёқида —  
Құшни боққа тош ҳам отардим.  
Балиқ овлаб күлнинг лабида —  
Сув кәчардим, лойга ботардим.

Узар эдим ҳамак бўлса ҳам —  
Даладаги қовун полиздан.  
Деҳқонбобо ушлаб оларди  
Қувиб келиб мен босган издан...

Қизлар ўтса агар далага —  
Орқасидан олма отардим.  
Бошин ушлаб бирдан йигласа —  
Ич-ичимдан кулиб қотардим...

О, шундайин ўт эдинг, ёшлик!  
Расм сабаб эсимга олдим!..  
Мени ташлаб кетганингдан сўнг —  
Қариликка кул бўлиб қолдим!..

## ЙҮЛЛАР

«Бу йүллар күп қадим йүллардир...»  
F. Fулом.

Йүллар күп дунёда, йүллар беҳисоб:  
Биридур ёп-ёруғ, бири қоронғы!  
Биридур нотекис, машаққат тұла,  
Бирида бोшланар шириң орзу.

Биридур бекіёс умидларга бой,  
Биридур муродинг ҳосил этувчи,  
Ким юрса бирида номидур улуғ —  
Хурмату обрүсін күкка элтувчи!

Кимдур бирорларнинг йўлига кириб,  
Раҳнамо қидириб йўлдан адашар.  
Ҳаёт мактабидан олса-да таълим —  
Ожиз кимсалардек кўзи қамашар.

Кимдур равон йўлда эркалаб чопар,  
Ҳаёлида ўзин фазога отди.  
Жарлигу чоҳлар кўринмай асло —  
Умр манзилини, билинг, йўқотди!

Алам гирдобида қолиб күп инсон —  
Енгмади учраган жабру жафони!  
Армонлар тузоғига илиниб ахир —  
Бевақт тарқ этди ёруғ дунёни!

Биттасин танла эй, табаррук ўғлон!  
Турмайин йўланиб, қотириб бошинг!  
Шундай йўл танлаки, шириң орзулар —  
Барча жабхаларда бўлсин йўлдошинг!..

## ОЛИЙ НИЯТ ЙҮЛИДА...

Барча ёшлар қатори ўйнаб,  
Улғайдим мен шу она юртда.  
Орзуларнинг қанотида, рост,  
Лоқайдликни ташладим эрта.

Имкон топиб кўплаб хунарни —  
Машқ қилдим ҳеч иккиланмай.  
Жовдиради кўзларим маюс?  
Олий ният йўлида, нетай?  
Ноумидлик менга ёт бўлди  
Довонларга шарт қўйдим қадам.  
Интилдим мен тилаб Оллоҳдан —  
Рұҳим бироз синиқ бўлса ҳам!

## ВАФОТ ЭТГАН ЁРИМГА...

Унутмайман, сени токи тирикман,  
Сени жон ўрнида сақлар тирик тан.  
*(Драмадан).*

Э, воҳ, нетай бераҳм ўлим —  
Ханжар урди ёрим бағрига!  
Воҳ, гулимни юлди кўлимдан —  
Олиб кетди ернинг қаърига!

Ёшим билан ювилди юзим —  
Ҳаётимнинг гуллаган чоғи.  
Севинч билан шодликка тўлиб —  
Ясанганда муҳаббат боғи.

Хар томонга чопади хаёл  
Кўрингандан сўрайди такрор.  
Оёқларим, кўлларим беҳол,  
Кўзларим-чи, мудрайди бедор:

«— Булутларга қүшилдингми, ё —  
Юлдузларга бўлдингми ошно?  
Париларга дугона, - дея —  
Ўз бағрига олдими само?»

Суҳбатларинг ҳамон ёдимда,  
Кўзларимда кўзингнинг нури.  
Ҳазил қилсам қиқирлаганинг —  
Кулогимдан кетмайди нари.

Лабингдаги ҳолни сўрасам,  
Деган эдинг: «Тангридан инъом,  
Юзимдаги оқ - қизил рангни —  
Чизолмайди биронта рассом!..»

Табассуминг порлаганингда  
Нурланарди уй билан ҳовли.  
Товланарди гултоҷихӯroz —  
Кўзингдаги меҳр туфайли.

Само үзра сочилган юлдуз  
Уйку билмай сени кўтарди.  
Парилардан олинган чирой —  
Юзларингда балқиб турарди.

Шудринглардан яралган мисол  
Қалбинг эди пок-у беғубор.  
Кўзларингда ўйнаган жило —  
Ҳасад ўтин этарди афгор.

Шафтолизор чулғанса гулга  
Ҳидларидан олардинг нафас.  
Асалари сўрса ғунчани —  
Завқланиб қилардинг ҳавас.

Сұхбатлашсак иккиміз бир он  
Кетарди-ку қайгулар ахир!  
Тұқиларди меңнат сүнгіда —  
Пайдо бўлган чарчоқ бирма-бир!

Ха, шундайин дилрабо эдинг:  
Шаршарадек ўйноқи, тошқин.  
Лабларингдан аримай кулгу  
Қиласар эдинг барчани мафтун!

Афсус!.. Дунё шундай курилган:  
Боқий қолмас биронта инсон!  
Келиш-кетиш - ҳукми илоҳий —  
Ота мерос эмас бу жаҳон!

Майли, жоним, хаёлимда бўл!  
Туш кўрганда тушимга киргин!  
Тирик бўлиб, саломат юрсам —  
Қўзларимнинг ўнгига тургин!

Бўлганимда гар ҳайкалтарош  
Соф олтиндан ҳайкал қўярдим.  
Остидаги ҳарсанг бағрига —  
«Садоқат» деб бир хат ўярдим.

## БИР ОГИЗ ШИРИН СҮЗ

«Бир оғиз ширин сүз нондек арзанда»...  
F. Fулом.

Бир оғиз ширин сүз - жонинг озиғи:  
Дилингга рух берар, қалбингта илҳом.  
Бутун вужудингга күч бағишлайды —  
Ярим табассумда берилган салом.

Инсонга инсоннинг меҳри ортади —  
Эрийди ҳар қандай тош юрак одам!  
Дўстлик ришталари, муҳаббат или —  
Аста камол топар, билсангиз, шундан!

Бир оғиз ширин сүз вужудингдаги —  
Барча иллатларни қувади баъзан.  
Бирдан ёнгил нафас олиб, шодланиб —  
Қайтгандай бўласан узоқ сафардан!

Ширин сүз эгаси - отангдан азиз:  
Сен унга бўлурсан доим меҳрибон.  
Кўзингда туради сиймоси, ҳатто —  
Аэроил жонингни олаётган он.

Бир оғиз ширин сүз гўё бир калит —  
Бахтингни очади, беради сабоқ.  
Дилингни кимлардур қилса қоронғу —  
Уни ёритгувчи машъал, шамчироқ.

Олий зиёфатдан минг бора яхши  
Бир оғиз ширин сүз лаззати, билинг,  
Умрбод яшайсан ҳурмат, эъзозда —  
Ширин сүз сўзлашга ўрганса тилинг!

Гул бериб инсонни шод этиб бўлмас,  
Кўнгилни олишга зар керак эмас.  
Бир оғиз ширин сўз, лабда табассум —  
Кўзлар-чи, беғараз боқа олса бас.

## ГЎДАК МЕХРИ

Набира беҳад шод: янги қўғирчоқ —  
Кийимлари ял-ял, кўзлари мўнчоқ.  
Сочлари сап-сариқ, лента тақилган —  
Асилипакдан ҳам тоза, майинроқ.

Парқу тўшакчалар солиб остига —  
Алла ҳам айтмоқда ухлатмоқ учун.  
Турли таомларни тутар лабига,  
Кўзига термулиб, бўлади мафтун.

Шунчалар эъзозми бола учун у?  
Ҳатто жонини ҳам этгудек фидо!  
Бағрига босади, сўрғич тутади  
Она қилган ишни қилмоқда адо!

Хаста бобо қўриб қувонди, роса —  
Бошини кўтариб аста болишдан.  
Мехрнинг кудрати олиб ҳаёлин —  
Кўзини тиёлмади ёшланишидан.

Шу гўдак қалбидаги меҳр сингари —  
Мехримиз тобланса бир-биrimizга.  
Ўртадан йўқолса адоват, ҳасад —  
Умр қўшиларди умримизга!

# НЕГА ЙИГЛАЯПСАН, ШИРИН НАБИРАМ?

P. Ҳамзатовга иқтибос.

- Нега йиглаяпсан, ширин набирам?  
Жон фидо қилувчи онанг ёнингда!  
Юрт хизматидан қайтганда дарҳол —  
Опичлаб кўтарувчи отанг ёнингда!

Мен йиглашим керак, билсанг, набирам.  
Эрта қазо қилган онам ҳурмати!  
Ва меҳнат, ғамлардан қади букилиб —  
Соқоли оқарган отам ҳурмати!

- Нега йиглаяпсан, азиз набирам?..  
Қара, ҳамма нарса муҳайё, тайёр.  
Адресас кўрпача-ю гулдор бешикча,  
Турли ширинликлар сенга интизор.

Ухлагин, онангнинг майин алласи —  
Жажки вужудингга бағишлар ором.  
Лабингга гар кўнса кичик табассум —  
Бутун оилани қила олар ром.

- Нега йиглаяпсан, жажжи набирам?  
Замон сеникидур, сеники замон!  
Ўсиб улғайгин-у кўрмагин завол —  
Бахту иқбол билан яша беармон!..

# БИР ЮНОН ОЛИМИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Академик Озод Шарафиддинов  
ҳикояси асосида

Узоқ юнон томонда,  
Жуда қадим замонда —  
Бўлган экан бир олим  
Таниркан етти иқлим!..  
Бўшамай илмий ишдан —  
Ошган экан етмишдан.  
Берилиб ҳиссиётга,  
Разм солиб ҳаётга,  
Бир кашфиёт қилай деб,  
Китобимга ёзай деб  
Ёзинг иссиқ вақтида,  
Тошфонарни ёқди-да,  
Йўл олди бозор томон —  
Ҳаммани қилиб ҳайрон!..  
Майдонда одам гавжум —  
Бўлишиб гужум-гужум  
Савдога берилганди,  
Қаторга терилганди...  
...Олим-чи? Олимбобо,  
Терга ботиб шалаббо,  
Қўлида тошфонари —  
Сурилиб нари - бери —  
Одамларнинг юзига,  
Ҳатто қошу кўзига —  
Чироқ тутиб кўрарди,  
Тикилиб ҳам турарди!..  
Ҳамма ҳайрон бу чолдан,  
Таажокубли ахволдан!..  
Чеккага тортиб бир чол  
Аста сўради савол:

- Нé қидирасиз чол?  
Чироқ билан, ажаб ҳол?  
Күзларингиз соғ бўлса,  
Ҳамма ёғ ёруғ бўлса!..  
Ахир, ҳамма кулмоқда,  
Кулиб ҳайрон бўлмоқда!  
Пулингиз йўқолдими,  
Ёки ўғри олдими?..  
Айтинг, топайлик дарҳол,  
Иссиқда бўлманг беҳол!  
«Уҳ» тортди-да олим чол  
Савонни олмай малол,  
Қари-да, довдиради,  
Кўзлари жовдиради! —  
- Қидираман инсонни,  
Оллоҳ берган эҳсонни! —  
Дедида ерга боқди,  
Ўзича бир тутоқди.  
- Ахир, булар инсон-ку,  
Оллоҳ берган эҳсон-ку  
- Эҳ, оғайни, деди чол, —  
Мени қилмагин беҳол!  
Заминдаги барча жон —  
Аталур улуғ инсон!..  
Лекин улар қалбида,  
Одамийлик бобида,  
Виждан номи ўзгача,  
Иймон номи ўзгача!!!.  
Мен излаган инсоннинг,  
Жисмдаги у жоннинг —  
Номи ҳам инсон бўлсин,  
Ўзи ҳам инсон бўлсин.  
**Хуласа.**  
Ҳамма ҳам инсон бўлсин,  
Қалби ҳам инсон бўлсин!

## ЛОЙДАГИ ИЗ

Равза боги висолин истар эрсанг,  
Бўл онангнинг оёгининг тупрови.

А. Навоий.

Тирилгандай бўлди бу кеча —  
Отам айтган ноёб ривоят.  
Неча йиллар ҳаёлим олиб —  
Таажужубга солганди фоят.

Тугунлари бир-бир ечилиб,  
Байтларга қуйилди фоя,  
Улуг олим Мулла Бозорга —  
Багишланди ушбу ҳикоя.

Исломдаги шаҳарларарабо —  
Шариф эди кўхна Бухоро!  
Денгиз бўлса бу азим шаҳар  
Суви нукул илмдур гўё!

Бунда канча сарҳил йигитлар —  
Симиради илм булоғин.  
Сабр-тоқат тилаб Оллоҳдан —  
Мадрасанинг ялар тупроғин!

Шаҳардаги ҳар битта дарахт  
Ва ундаги ям-яшил япроқ —  
Меҳмонларга мевасиданмас  
«Такрорла!» деб беради сабоқ!

Ҳатто, девор пештоқларига —  
Нақш қилиб ёзилган хатлар —  
Чулғар сени «Қуръон» нурига  
Ўқиш учун қарасанг агар.

Мана ҳозир мұльжаз ҳужрада  
Қызыб борар бир шириң суҳбат.  
Талабалар тинглаб домланинг —  
Фикридан күп қиласы ҳайрат.

Авж олди савол ҳам жавоб:  
Пайғамбарлар ҳаётидан то —  
Қолмади ҳеч кароматлари  
Үйғотгани майитни ҳатто! —

Инсондаги барча эзгулик —  
Ҳадисларда этилгани ҳал!  
Домла бир-бир айлади изхор,  
Қалбин очди, түкди мукаммал!...

- Озгина дам, - деди бир йигит, —  
Мунозара охирлаганда.  
- Туш күрибман, айтайми домла?  
Үйқу роса сеҳрланганда:

«- Узоқ юртдан каттакон тарвуз  
Думалатди Бухоро томон  
Ва шаҳарнинг қоқ ўртасида  
Ёрилди у гүёки вулқон!

Уруғлари тарқалар эмиш  
Симоб каби сочилиб ҳарён.  
Бир донаси мисли чўғ бўлди  
Нур бўлди-ю ёриди осмон.

Сўниб аста ипга айланди,  
Вачувалди фарбга томон.  
Қолганлари майда из бўлиб —  
Тарқалишди, қарангки, ҳар ён!..»

Эшитди-ю тушни мударрис  
Бошни эгди, уй сүрди бироз:  
- Таъбирини яхшиликка йўй! —  
Дея қилди унга эътиroz.

Сиз ҳал қилинг, азиз ўқувчим,  
Туш таъбири қилинмади ҳал.  
Мен фикримда этайн давом  
Ўзга ишлар бермасин ҳалал.

Яқинлашиб новча талаба  
Лабларига тўсиб кафтини —  
Баён этгач домлага бир сир,  
Буриштириди домла афтини.

- Чақиринглар! - деди, - Бозорни,  
Динсизликка даҳлдор бу иш!  
Не сабабдан сифиниб лойга —  
Намоздан сўнг ўпар ҳам эмиш?!

Ажаб савдо? Лойга сифинмоқ —  
«Инжил»да ҳам бўлмаган ҳатто?  
Мадрасада бундай йигитнинг —  
Ўқишига йўл йўқдур асло!!.

...Тескарига айланди ҳужра,  
Ўтирганлар бўлишди мулзам.  
Заҳар ўйнар домла кўзида,  
Юзларида, лабларида ҳам...

Кириб келди даврага Бозор,  
Саломдин сўнг ўтирди секин.  
Тугунчасин кўйиб ёнига —  
Аста боқди домлага майин.

Газабларга қилмай эътиroz  
Барча гапни тинглади дилдан.  
Жойга күйиб домла хурматин —  
Сирларини тўқди кўнгилдан:

Таътил пайти, бордим Намангон,  
Она юргим айлади эъзоз.  
Ўпай десам онам оёғин —  
Бечора-да, қилди эътиroz:

«-Ахир, болам, мен бир тул хотин,  
Яланг оёқ босаман ерни.  
Гоҳо покман, гоҳида нопок —  
Кечиргин, сен, онанг - фақирни!

Сен ўқишда, рўзғор юки бор,  
Уканг ёшдур, чиқаман бозор.  
Отанг хаёт бўлганда агар —  
Бу ишимдан қилар эди ор!..

Ўпма, болам, оёғимни сен —  
Оғзингда бор Оллоҳ қаломи!  
Бухорои Шариф хурмати —  
Бўлмасин хор Оллоҳ қаломи!..»

Иложини қидирдим, ахир —  
Қоридим лой, қўшиб оз сомон  
Босди онам уни авайлаб  
Сўнг қаратдим қўёшга томон.

Эҳтиётлаб келтирдим, кўринг,  
Намангандан Бухорогача!  
Оқ докага ўраб, ардоқлаб —  
Сигинаман, ростдан, ҳар кеча!..»

Мулла Бозор җикоясини —  
Тинглаганлар бир оз тин олди  
Хар бири ҳам ўйлаб онасин —  
Киприк қоқмай ўй суриб қолди...

Мударриснинг кўзи ўнгидан —  
Ҳаётида бўлган ҳар тугун —  
Ўтаберди тасбеҳ тошидай  
Чиқармасдан нола билан ун!

Онасига қилган дўқлари,  
Сўзларини қайирғанлари,  
- Кейинги эр-эр эмас, — дея  
Рўзгоридан айирғанлари!

Она йиғлаб кузатган чоғи  
Совғасини иргитгани ҳам,  
Ёшлиқ қилиб зарда аралаш  
Деганлари: «Бүнинг менга кам!»

Узоқ эмас, мана икки йил —  
Аҳволидан қолди бехабар.  
Бориш учун топарди имкон  
Хотин рози бўлганда агар...

Хуллас, қаранг, ҳамма ҳаммани —  
Ҳаёлотра кўмди ҳикоя.  
Мулла Бозор обрў - шаънига  
Қилча бўлсин солмади соя.

\* \* \*

Мунис аёл эди онам,  
Ҳар сўзи дилга малҳам.  
Меҳр тўла кўзидан,  
Нур ёғилар юзидан.

Узмас эдим күзимни,  
Савол бериб сүзимни —  
Қилардим тақрор-тақрор,  
Тинглар эди у бедор.  
Покиза эди бирам —  
Гар сағодсиз бўлса ҳам.  
Шўхлик қилсан урмасдан,  
Қарғаб-нетиб юрмасдан  
Қилас эди насиҳат,  
Ширин сўз, ширин суҳбат.  
Меҳримни кўп тортарди,  
Мухаббатим ортарди...  
Бут бўлсин, дея рўзғор —  
Бўлганда ҳам у bemor  
Дўппи тикарди тинмай,  
Ҳам кечак, кундуз демай...  
Йўқчилик оташида,  
Ўттиз саккиз ёшида  
Юмди кўзин бир умр,  
Бағрига олди қабр...

\*\*\*

Онажсним, изингиз топсам,  
Ҳар саҳарда қилардим тавоф.  
Лойга эмас олтинга ўйиб —  
Этар эдим кўзимга ниқоб.

Ховлимиизда қолганмикин деб,  
Айланаман, онажон, ҳар тонг.  
Узумларим остини қараб —  
Япроқпарга бўлдим ҳамоҳанг.

Даладаги эгри сўқмоқдан —  
Топарман деб олмадим кўзим.  
Сув ёқалаб юрардингиз кўп  
Жўяклардан қидирдим ўзим.

Агар бўлса шеърларим китоб,  
Ҳаммасини сизга атардим.  
Исмингизни муқаддимага —  
Бош ҳарфда, албат, битардим.

Билганимда мулла Бозорнинг —  
Қилмишидан ибрат олардим..  
Изингиздан андоза олиб —  
Умрим бўйи сақлаб юрардим.

\* \* \*

Хўжра жим. Жимлик ҳукмрон...  
Домла томон боқади қўзлар.  
Бошлаб берса мунозарани —  
Ўз фикрини бошқалар сўзлар.

Кўзин ердан олди мударрис  
Уйғонгандек уйқудан хаста.  
Талабалар жимлигин бузиб  
Сўз бошлади оҳиста, аста:

«Мулла Бозор улуғ инсондур  
Она изин ўпкан сабаби.  
Тарихларда номи қолғуси:  
Қилган иши ибрат мактаби!

Бутун ислом оламида сен —  
Энг мўътабар инсон бўлурсан.  
Наманганинг пок осмонида —  
Ёруғ юлдуз - чўлпон бўлурсан...»

# Мундарижа

Құл ушлашиб келар қызлар гүё ажаб гул шодаси...

Фазаллар	3
Улфатимсан, шеърият	4
Шукр, Оллох, яратғансан	5
Күзларинг	6
Ботмасин аспо қуёш	7
Гүзапман деб	8
Ойнаи жаҳонда	9
Яхши инсонлараро	10
Лабиндаги табассум	11
Қовун	12
Мисол бўлди лолалар	13
Хаёлимда	14
Қилмагин миннат сира	15
Сен чироқсан хонамизга	16
Ётганингда	17
Бўлмагай исроф сира	18
Алишмасдим вафони	19
Қилингандай тиловат	20
Шерюрак шунқори бор	21
Тўғри сўзни сўзлагани	22
Осилиб ҳайрон узум	23
Кўйдирар аттанг ўти	24
Улуғ ёшиңг билан	25
Яхши ҳамдамлар сабаб	26
Бузманг қизлар даврасини	27
Сен туфайли	28
Хурмат айла	29
Дуо қилгин намозингда	30
Боққа кирсанг	31
Сенга ёрдур рўшнолик	32
Ҳаётингни сароб этдинг	33
Беғубор осмондасан	34
Савгининг бозорига	35
Қайчи солди бераҳим	36
Муддао шу ердадур	37
Мени, ўлганни, ўлдиўма	38
Сочингни қилиб чамбар	39
Мен биронвнинг ёриман	40
Бошиңг ёстиққа текканда	41

Хаёлларим	42
Энди, Оллох, роз айтайн	43
Сизда вафо бўлса...	44
Ибосидур	45
Ўғлимга	46
Зулайҳолар бир талай	47
Аэзим	48
Уйкуларим	49
Ҳасад	50
Бўлдим ошно асоларга	51
Бесамар	52
Жўр бўл дуторинг торига	53
Сени ўйлаб	54
Хаста дил бўлсанг агар...	55
Ўзлигинг хор этмадинг	56
Ишқингда сарсон бўлмадим	57
Мени муҳтож этма, Оллоҳ	58
Ночорлигимдан кулмангиз	59
Қайтса ёшлик	60
Қийнади жон мунча ҳам	61
Севгилимсан, дилбарим, сен	62
Яратгандан тилаб соғлик	63
Мендан ўзга кимда бор?	64
Йўлинг нурга тўлодур	65
Жаннат змасму?	66
Янгради ашъорларинг	67
Ошно этмасанг	68
Бўлдим асил афсона мен	69
Ораузларим ёзмоқчиман	70
Зор бўлдинг оқибат	71
Сўра улфатларингдан	72
Сўроқлабсан	73
Дилрабо келган куни	74
Севма, деб айтсам кўнгил	75
Қилма ёрдин шикоят	76
Ким кўрипти менчалик?	77
Ошно бўлди новдалар	78
Хумор қилганинг ғалат?	79
Жони фидосини сўранг	80
Дуо қилинг ҳожилар!	81
Дуо қилигин замонангни...	82
Очил, эй, гул!	83
Парвона гул	84

Ғамза қылсанг...	85
Шириң сүэлар	86
Үсма қўйма қошларингга	87
Эсди еллағ.	88
Сенга қилдим мен вафо	89
Қувонтирай сабоман деб...	90
Келмадинг дилрабо бирла...	91

**Гўёки қаро ҳолинг янағ ичинда қолди**

Мухаммаслар	92
Бўлмагай ошно сенга	93
Гулбог ичинда қолди..	94
Табриклайман	95
Аёл	97
Изларимни излармикин?	98

**Бир оғиз шириң сўз**

Тўртпиклар	102
Туюқлар	107
Иккиликлар (фардлар)	108
Чистонлар	109
Бугун барглар тўкилмоқда	110
Кимда бўлса покиза юрак	111
Қариликка қул бўлиб қолдим	113
Йўллар	115
Олий ният йўлида	116
Вафот этган ёримга	116
Бир оғиз шириң сўз	119
Гўдак меҳри	120
Нега йиглайсан, ширин набирам?	121
Бир юнон олимни ҳақида ривоят	122
Лойдаги из	124

**Ушбу китобимни чоп этилишида яқиндан ёрдам берган, ўз маслаҳатларини аямаган Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Ҳамиджон Нўъмоновга, укам Маъмиржон Кимсановга, АДУнинг профессор ва доцентлари Ҳанифа Солиҳова, А. Абдулализизовларга, шоирлар Нусрат Абдусалом, Қобил Мирзо ва Ўқтам Йўлдошевларга қалбан миннатдорчилик изҳор этаман.**

**Муаллиф.**

*Адабий-бадиий нашр.  
Олимжон РАҲИМОВ. Дилемидаги мисралар.  
Фазаллар, мухаммаслар, шеърлар.*

**«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ. 2004 й.**

Таҳририят мудири	М. Худоёров
Муҳаррир:	Ф. Ибайдуллаев
Tex. муҳаррир:	М. Мирзакаримова
Мусаҳҳих:	Н. Тожиматова
Саҳифаловчи:	Х. Парпиев.

Босмахонага 6.05.2004 йилда теришга берилди. Босишига 21.XI. 2004 йилда рухсат этилди. INS Arial гарнитураси. Бичими 60x84 1/16. Ҳажми 8,5 шартли босма тобоқ. Буюртма №1268. Тиражи 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

«ANDIJON NASHRIYOT-MATBAA» ОАЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкӯчаси, 71.